

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

ДЕВОН

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси
А. П. ҚАҲОМОВ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ «ФАН» НАШРИЕТИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси, машҳур давлат арбоби, атоқли саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобур қолдирган илмий, тарихий ва адабий мерос узоқ асрлар давомида бутун дунё тадқиқотчиларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Хусусан, унинг бадий насрнинг ҳам етук намунаси ҳисобланишга лойиқ «Бобурнома» асари кенг шуҳрат қозонган бўлиб, қатор хорижий тилларга таржима қилинган ва турли мамлакатларда бир неча бор нашр этилган. Заҳриддин Муҳаммад Бобур забардаст шоир ҳам бўлган ва у бой ва ҳар жиҳатдан баркамол шеърӣ мерос қолдирган.

1983 йилда афғонистонлик олима Шариқа Ерқин Кобул шаҳрида «Девони Заҳриддин Муҳаммад Бобур»нинг нашрини амалга оширди. Олима илгариги барча нашрларга суянган ҳолда Бобур шеърӣ меросини девон шаклида тартибга келтириб, айрим чалкашликлар ва нуқсонларга барҳам берди.

Ўқувчиларга тақдим этилаётган ушбу китоб ана шу нашрлар асосида тайёрланган.

Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи:

филология фанлар доктори, профессор АБДУРАШИД
АБДУҒАФУРОВ

Б $\frac{4700000000-3-583}{М 355(04)-94}$ Рез. 94.

ISBN 5-648-01923-8

©Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академиясининг
«Фан» нашриёти, 1994 й.



Handwritten notes in the bottom right corner, including the number '23074' and a signature or initials.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланади.

БОБУР ШЕЪРИЯТИ

Алишер Навоий ижодини чуқур билган ва жумладан, «...Ҳечким онча кўп ва хўб (шеър) айтқон эмас», дея юксак баҳо берган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Навоий асарлари катта шуҳрат қозонган бир шароитда шеърятга қўл уриш қанчалик масъулиятли эканини тўла ҳис этган. У ўзига замондош ижодкорларга баҳо беришда ҳам худди шу жиддий масъулият ва талабчанлик нуқтаи назаридан ёндашган. Бу жиҳатдан унинг те-мурийзода Султон Маҳмуд мирзонинг шоирлик фаолияти ҳақидаги мана бу сўзлари жуда характерлидир:

«Табъи назми бор эди. Девон тартиб қилиб эди. Вале шеъри бисёр суст ва бемаза эди. Андоқ шеър айтқондин айтмағон яхшироқдур».

Шеърятни қадрловчи, унинг ижтимоий ролини жуда муҳим деб тушунувчи шахсгина бундай кескин ҳукм чиқариши мумкин. «Бобурнома» ва «Рисолаи аруз»даги маълумотлар кўрсатишича, Бобур ўтмиш асрлар ўзбек ва форс-тожик адабиёти билан ҳам, ўз даври адабий-маданий ҳаёти билан ҳам, жуда яхши таниш бўлган. Асарларида ўз фикр-мулоҳазаларини асослаш, конкрет воқеа-ҳодисаларни изоҳлаш мақсадида Рудакий ва Саъдий, Фирдавсий ва Салмон, Носир Бухорий ва Воҳид Табризий, Анварий ва Ҳофиз, Низомий ва Хусрав Деҳлавий, Шоҳий ва Котибий, Жомий ва Лутфий каби ўнлаб шоирлар асарла-

ридан кўплаб парчалар келтириши бунинг яққол далилидир. Бобур, айниқса, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганди, унинг шеърятидан кучли таъсирланди, қатор ғазал ва рубойларига эргашиб ўхшатмалар яратди. Буларнинг ҳаммаси, аввало, катта туғма истеъдод Бобур ижодий фаолиятининг жуда эрта камолатга эришувини таъминлади.

«Бобурнома»да шоирнинг ўзи биринчи тугал ғазалини 18—19 ёшларида, яъни ҳижрий 907 (милодий 1501—1502) йилда яратганлигини қайд этиб, унинг матлаъ байтини келтиради:

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Қўнглумдин ўзга маҳрамин асрор топмадим.

Аммо унинг шоир сифатидаги ижодий фаолиятини худди шу йил ва ҳар жиҳатдан етук шу ғазалдан бошлаш, бизнингча, туғри бўлмайди. У ўз ижодий фаолиятини анча аввал бошлаган ва 1500 йилларга келибоқ шоир сифатида шуҳрат тутган бошлаган, деб ўйлаймиз. Худди шу йилларда Биноийнинг ҳомийлик истаб Бобур қошига келиши, унга шеърый «ариза»лар билан мурожаат қилиши ҳам шундан дарак беради. Навоийнинг Бобур номига махсус мактуб йўллашини ҳам Бобурнинг шоирлик фаолияти билан боғлиқ, деб тушунишга мойилмиз.

Бобур ҳажман кичик, аммо ҳар жиҳатдан баркамол шеърый мерос қолдирган. Ҳозирча унинг ўзбек тилидаги 120 ғазали, 210 га яқин рубойси, шунингдек, ўндан ортиқ туюқ ва қитъалари, кўплаб фард ва эликдан ортиқ

муаммолари аниқланган. Шоирдан шеърий мактуб тарзида битилган бир неча маснавийлар ҳам сақланиб қолган. «Бобурнома»даги қатор шеърий парчалар муаллифнинг тожик тилида ҳам муваффақиятли қалам сурганидан дарак беради.

Кейинчалик «Бобурнома»да бутун кўлами билан кўринган етакчи хусусият — ўз ҳолати ва кечирмишларини, кайфияти ва таассуротларини, шодлик ва ташвишлари, интилиш ва орзуларини баён этиш — Бобурнинг илк ғазал ва рубоийларидаёқ тўла-тўқис юзага чиққан. Бадиий сўзга, шеъриятга Бобур ўзлигини, ўз руҳий оламини «очиш» воситаси деб қараган. Худди шунинг учун ҳам муаллиф шахсий ҳаёти лавҳалари ҳамда унинг реал руҳий кечинмалари билан бевосита боғлиқлик Бобур лирикасининг хос белгиси даражасига кўтарилган. Асарларнинг ана шу етакчи хусусиятини унинг ўзи алоҳида таъкидлаб ўтади:

Ҳар вақтки, кўргасен менинг сўзумни,
Сўзумни уқуб англайсен ўзимни.

Айни замонда шуни айтиш керакки, айниқса, ғазаллардаги «мен» билан тарихий шахс Бобур ўртасида тўла мувофиқлик ва айнанлик белгисини асло қўйиб бўлмайди, чунки лирика, айтайлик, «Бобурнома»дан фарқли ўлароқ, соф бадиий асардир. Шубҳасиз бу ўринда ҳам лирик «мен» ўзида тарихий «мен»ни ҳам жамлайди, аммо, айни замонда, тарихий «мен»дан афзалроқ, юксакроқ, баркамолроқ кўринади; у шафқатли, олижаноб, покиза қалб шахс; у севги-садоқатни улуғловчи, висол онларидан шодмон ва ҳижрон азоблари-

дан ўртанган ошиқ. Биз лирикада фотиҳ Бобурни эмас, балки инсон Бобурни, голиб ҳукмрон тантанаси ёки мағлуб саркарда фожиасини эмас, балки оддий шахснинг севги қувончи ва ошиқ юракнинг алам-ситабини кузатамиз, мамлакатдан, бойлик ва фуқаросидан ажралган шоҳнинг дарду ҳасратини эмас, балки тақдир айби билан узлатга тушган кишининг оҳу ноласини эшитамиз; энг етук ғазалларида қўлдан кетган вилоятлар ва шону шавкатни қўмсовчи тахт даъвогарини эмас, балки юртга интилувчи, тонг насими орқали унга самимий саломлар йўлловчи ватанжудони кўра-миз; доимо қирғин жангу жадалга шай шер-юрак шоҳ билан эмас, балки севимли маъшуқа олдида батамом ожиз ва итоаткор банда билан, гўзаллик ва нафосат шайдоси, муסיқа ва шеърят мухлиси билан учрашамиз ва ҳоказо. Чиндан ҳам, лирик «мен»и феодал ҳукмдорлар устидан қозонилган ҳарбий зафар ёки истило этилган улкалар эмас, балки маъшуқа илтифотига сазовор бўлиш, унинг висолига эришиш қувонтиради, вафодор ёр билангина у узини бахтли ҳисоблайди:

Шукрилиллаҳ, айш юзландию меҳнат қолмади.
Етти айёми висолу шоми фурқат қолмади.

Юзланиб амну фароғат, ғуссаю ғам бўлди дафъ,
Айшу ишрат келдию ранжу машаққат қолмади.

Меҳнати ҳижронки, андин чок-чок эрди кўнгул,
Бўлди роҳатқа мубаддал — ул жароҳат қолмади...

Бобур ғазалларидан бирида яшамоқнинг маъносини очишга интилгандек бўлади, «жаҳоннинг ишрати нимада?» деган саволга жа-

воб ахтаради. Хуш, инсон нимадан қониқади, қандай ҳаётга интилиш керак? Тоат-ибодатгами? Қирғин урушлар ёки ўлкалар забтигами? Бойлик тўплаш ёки шоҳона майшат, шону шавкатгами? «Йўқ», деб жавоб беради шоир. Айниқса, шу ғазалда лирик «мен» ўта маданий, баланд, дидли, покиза қалб соҳиби, тўла ҳаётсевар, дўстпарвар ва юксак орзули шахс сифатида гавдаланади:

Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Лирик қаҳрамон ҳаётнинг маъносини ана шу соф инсоний интилишларда, эзгу истак ва гўзал орзуларда кўради:

...Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортуқ бўлмағай, Бобур жаҳоннинг ишрати.

Бу ғазал ўтмиш шеърятимиздаги энг илғор анъаналардан бири — ҳаётсеварликни, реал дунёни бирдан-бир ва нақд деб тушуниб, унинг гўзалликларидан, табиат кўркемликларидан баҳрамандликни, тирик инсонни қадрлашни жуда таъсирчан бир шаклда тарғиб этади. Кўришиб турибдики, гарчи шикоят мотивлари к а т т а ўрин тутса-да, ҳаётсеварлик, некбин, кўтаринки руҳ Бобур лирикаси учун асло бегона эмас. Шоир ҳаётдаги ижобийликни ҳам кўради, табиат гўзалликларидан завқланади, лолага бурканган даштларни мадҳ этади, «баҳор фаслида далаларнинг латифу дилкаш»лигидан юраги жўш уриб, «сайр этишга» даъват қилади. «Гар иликдин келса бир дамни кечурманг ғам била» деган шоир, турмуш қийинчиликларини енгиб, реал дунё-

дан лаззатланишга, тириклик нашидасини суришга ундайди:

Даврон ғамин барбод қил, ишрат унин обод' қил,
Жону кўнгулни шод қил овози чангу най била.

Ҳаётсеварлик Бобур лирикасида романтик руҳ билан ҳам қоришиб кетади. Бундай ҳолат шоирнинг кўпгина ғазалларида, жумладан, «Ёз фасли» сўзлари билан бошланувчи ғазалида кўзга яққол ташланади.

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдиму?
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?—

дея ўз замонаси ва тақдир норасолигидан фарёд чеккан лирик қаҳрамон ўша машаққатли ҳаётдан, турмуш уқубатларидан юқори кўтарилишга интилади, романтик орзулар оғушига отилади.

Аммо шу аниқки, Бобур лирикасида аччиқ тақдир зарбаларидан шикоят, фалак жабру жафоси, даврон ғаму ғуссасидан нола, замона ва аҳли замонадан фиғон устунлик қилади. Лирик қаҳрамон ўзини таъқиб-тазйиқ остида эзилган ҳис этади, унинг «толеи паст, бахти уйқулик». Аслида шоир ижодининг бошланғич давридаёқ бу мавзунинг чуқур ишлана бошланганини кўрамыз. «Топмадим» радифли (ва шоирнинг ўзи биринчи деб кўрсатган) ғазал шундайдир. Ёки у билан деярли бир вақтда битилган:

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ,—

матлали ғазалини эслайлик. Баъзан эса тушкун кайфият ҳам сезилади, умуман инсонлар-

дан юз ўгириш, таркидунёчилик оҳанглари ҳам кўринади:

Жаҳон элию жаҳон — барча гар адам бўлса,
Адам йўлини тутай зарра менда ҳам бўлса!

Характерлики, бунда шикоят ва нола тез орада ғурбат мотивлари билан, ғариблик ҳисси билан чатишиб кетади ҳамда янада ўтли, янада таъсирчан руҳ эгаллайди.

Шу муносабат билан бир муҳим масалага аниқлик киритиш лозим кўринади. Тадқиқотчилар она юртни қумсаш, унга талпиниш ҳамда ғариблик азобларидан ҳасрат оҳанглари учрайдиган ҳар бир ғазал, рубоий ёки қитъани ёппасига Бобур ижодий фаолиятининг Афғонистон ёки Ҳиндистон даврлари билан боғлайдилар, ўша улкаларда ёзилган, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса бундай эмас. Гап шундаки, Бобур тушунчасида, киндик қони тўкилган, кейинчалик ўзи ҳоким бўлган Андижоннинг қулдан кетиши (1498 й.) ватанжудликнинг, ўз таъбири билан айтганда, «жалои ватан бўлмоқ»нинг бошланиши бўлган.

Бобурнинг ижодий фаолияти худди шу йилларда бошланганини ҳисобга олсак, ғурбатдан, ғариблик уқубатларидан фарёд, дарбадар ҳаётдан шикоятнинг илк асарларидаёқ юзага чиқиш сабаблари равшанлашади.

Биргина мисол:

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатта киши,

Кўнглум бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатта севунмас эмиш, албатта, киши.

Бобурнинг ўзи гувоҳлик беришича, бу ру-

бойи Тошкентга келишига қадар (1501 й.) яратилган. Шубҳасиз, бу мотив кейинчалик Мовароуннаҳрни тарк этиб, афғон ва ҳинд мулкларига кетишга мажбур бўлганида янада кучайди, алоҳида ҳасратли мазмун касб этди. Эндиликда ватан тушунчаси ҳам, гурбат ва ғариблик тушунчалари ҳам кенгаяди, конкретлашади. Шоирга она юртда қолган дусту ёр, хешу ақраболар ва ҳатто туғилган улка табиати, нози неъматни Ватанни эслатади, унинг бир бўлаги сифатида соғинч билан орзу этилади, ардоқланади. Юракдан орзиқиб, куйиниб, ёзади шоир:

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кунглумда ғам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар дам оқар сув.

Бобур ғазалларининг асосан кўпчилиги шаклан етук, бадий жиҳатдан баркамолдир. Халқ жонли тилидан кенг фойдаланган шоир жуда равон, киши дилини қитиқловчи шўх мисралар битади, эса қолувчи образлар яратади. Шеърят назариясини, хусусан, аруз қонун-қоидасини бутун нозикликлари билан эгаллаган шоир ғазал ва рубойлари ниҳоятда енгил ўқилади, тингловчига завқ-шавқ бағишлайди. Уринли ишлатилган халқ иборалари, турли-туман сўз ўйинлари, чиройли ташбиҳ ва тажнислар, баённинг ўта самимийлиги шоир лирикаси алоҳида файз бахш этади:

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим ул қаро қошдин яна.

Ёки

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлғай висолингга мане дилхаста етгаймен

матлали ғазаллари каби ўнлаб ғазалларининг ўтмиш шеърятимизнинг энг яхши намуналари қаторидан урин олиши, ҳофизлар томонидан куйланиши бежиз эмас. Шоирнинг мана бу мисралари эса соф халқ қушиқлари руҳида ёзилган бўлиб, муаллифнинг халқ ижодидан унумли фойдаланганлигига аниқ ишора этади:

Ер қадрин билмадим — то ёрдин айрилмадим,
Ер қадри мунча ҳам душвор экандур, билмадим.

Бобур лирикасида маъшуқа образи катта маҳорат билан чизилган. Шоир тасвирида у ниҳоятда, сулув, жозибали, зебо. Шуниси, муҳимки, Бобур маъшуқани фақат ташқи куринишдангина эмас, маънавий жиҳатдан ҳам, ахлоқан ҳам гузал ва баркамол сифатида тасвирлайди: худди шу фазилатлари билан ҳам у лирик қаҳрамонни ўзига мафтун этади, унинг муҳаббати, ҳурматини қозонади:

Не хулқ эди, ёна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўзу яхши хулқингга банда бўлай.

Айни замонда, лирик қаҳрамон ўқимишли, юксак дидли, «хуш табъ», руҳан бой ёрни орзу қилади. Бу жиҳатдан, қуйидаги мисра диққатга сазовор:

Ер улдурки, шеърга майли булса.

Бобур — йирик санъаткор. Турли-туман шеърӣ ва лафзий санъатлардан бадийликка эришишда, тасвирнинг реал ва жонли бўлишини таъминлашда усталик билан кенг фойдаланади. У инсон қалбидаги ҳаяжон ва қувончларни, изтироб ва орзуларни бутун кў-

лами ва нозикликлари билан ҳис этади. Айниқса, муъжаз бадий лавҳалар, жонли сахналар яратишда шоир катта маҳорат намоиш қилади.

Масалан, рубоийларнинг бирида учрашувга бора олмаган ошиқнинг маъшуқа олдида ўзини оқлаш саҳнаси ниҳоятда гўзал, эса қоларлик; ошиқ кела олмаганлигининг сабабларини ҳам маъшуқага чексиз муҳаббати, унинг ишқида ўртаниши билан изоҳлайди, ўз гуноҳсизлигига «мантиқий далиллар» келтиради:

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,
Васлингга етишмадим жиҳат бу эрди:

Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин
Йўл болчиқ эди, кеча қоронғу эрди.

Бобур инсон ва унинг гузаллигини, севги, садоқат, вафо, дўстлик каби инсоний фазилатларни, улуғловчи, эзгу интилишлар ва орзуларни тарғиб этувчи гўзал асарлари билан, она юртга муҳаббат, ватанпарварлик ва ҳаётсеварлик ғоялари билан, ўқувчига завқ-шавқ бахш этувчи юксак бадий санъаткорлиги билан адабиёт тарихидан ўрин ола билди. У инсонга қарата:

Сендин айру найлагаймен айшу саҳбо хушлуғин
Ки, сенинг учун тилармен барча дунё хушлуғин,—

дея мурожаат қилди ҳам уни умумга наф келтирувчи халқчил фаолиятга, эзгу ишларга даъват этди:

Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши нуқ —
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!

«Бобурнома»нинг бир неча уринларида муаллиф узининг девони ҳақида суз юртади, 1519 пил воқеаларига бағишланган фаслда эса «Фулод Султонга девонимни йибордим. Девоннинг орқасида биргина қитъани битидим», деб гувоҳлик беради. Бу таъкидлардан Бобур анъанавий қондалар асосида мукаммал девон тузган,— деган хулосага келиш мумкин. Аммо, афсуски, бизгача етиб келган беш қўлёзма нусханинг бирортасини ҳам мукаммал ва бенуқсон, деб бўлмайди.

Бу қўлёзмаларнинг учтаси Туркияда, бири Париж миллий кутубхонаси ва яна бири Ҳиндистон Миллий музейининг китоб хазинасида сақланмоқда. Шу қўлёзмалар асосида инглиз шарқшуноси Денис Росс (1910 й.), турк олими Фуод Купрулузода (1912—13 й.), ва академик А. Н. Самойлович (1917 й.) Бобур шеърларини босмадан чиқардилар. ЎзФА мухбир аъзолари А. Қаюмов ва С. Азимжоновалар 1958 йилда алоҳида ва 1965 йилда Бобур асарларининг уч жилдлиги таркибида унинг шеърий меросини нашрга тайёрладилар. 1982 йилда эса С. Ҳасанов «Бобур шеъриятидан» китобини чоп эттиради. Шу йили И. В. Стеблева Бобурга бағишланган монографиясига шоир ғазалларини араб алифбосида илова этади.

Айтиш керакки, бу нашрларнинг бирортаси ҳам рисоладаги девон тушунчасига тўла жавоб бермайди. Гап шундаки, нашрга тайёрловчилар ғазал ва рубойлар тартибини қўлёзмаларда қандай бўлса шундайлигича сақлаб

қолганлар. Зикр этилган қўлёмаларда эса, айтайлик, девон тузишнинг ғазаллар қофия ва радифларининг сўнгги ҳарфи бўйича тартиб бериш қондасига риоя қилинмаган. Бундай «тартибсизлик» девоннинг асл нусхасида бўлганми ёки кейинчалик юзага келганми айтиш қийин.

Шоирнинг ўзи эса рубойларининг бирида бу ҳақда шундай гувоҳлик беради:

Девонима не рабту на тартиб дурур,
Не жадвалу не лавҳу не тазҳиб дурур.

1983 йилда афғонистонлик олима Шафиқа Ёрқин хоним Қобул шаҳрида «Девони Заҳриддин Муҳаммад Бобур» китобини чоп этди. Олима Бобур девонининг барча қўлёмалари ва нашрларини ўзаро қиёслаб, анъанавий девон шаклида тартибга келтирди, нашрларда йўл қўйилган чалкашлик ва нуқсонларга барҳам берди.

Уқувчиларга тақдим этилаётган ушбу китоб ҳозирча энг мукаммал бўлган ана шу Қобул нашри асосида тайёрланди. Девоннинг муаммолар қисми С. Ҳасанов чиқарган «Бобур шеъриятидан» асари бўйича тўлдирилди.

АБДУРАШИД АБДУҒАФУРОВ

ҒАЗАЛЛАР



Не кўрай тўбийни қадди хуш хироминг борида?
Не қилай сунбулни хатти мушкфоминг борида?!

Қим Хизр суйин оғизлангай лабингнинг қошида?!
Қим Масиҳ алфозидин дегай каломинг борида?!

Ошиқингни давлати васлинг, била қил муҳтарам,
Хусн аҳли ичра мунча эҳтироминг борида.

Биздин, айру доим эл бирла ичарсен бодани,
Бизни ҳам гоҳи соғин шурби мудоминг борида.

Эй кўнгул, гар ғайр сўзи захри қотилдур, не ғам,
Лабларидин шарбати юҳйил-изоминг борида.

Тарки номус айлабон, бадном бўлғил ишқ аро,
Қим сени ошиқ дегай номусу номинг борида?!

Бобур, ул гул кўйида булбул киби топтинг мақом,
Бир навое «Рост» қил мундоқ мақоминг борида.

Келтурса юз балони ушал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга!

Нетгаймен ул рафиқ билаким, қилур баче,
Меҳру вафо рақибга, жавру жафо — манга.

Бегона бўлса ақл мени телбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оҳу ёшимдин орта дурур заъф, эй табиб,
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб муолажада зоеъ этма умр
Қим, жонда дарди ишқ дурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,
Ташвиш бежихат дурур охир санго, манга.



Бобур, бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

*
*
*

Чун фалак қўймас мени бир лаҳза васл айёмида,
Тонг йўқ, эй бемехр, агар ўлсам фироқнинг шомиди,

Эй кўнгул, юзин кўруб, зулфи паришонин соғин,
Шоми ҳижрондин таваҳҳум айла васл айёмида.

Зулфидаким, маскан эттинг, кўр занахдон чоҳини,
Воқиф ўлғилким, эурсен аждаҳонинг комида.

Гунчадек оғзинг ғами кўнглумда гар йўқ, бас недур
Чок кўнглум ҳайъати гул гунчаси андомида?

Ёринг пайғоми етгач топти жон фарсуда тан,
Исо эъжози магар музмар дурур пайғомида.

Бобур, ул гул зулфи остинда эмасдур холлар,
Жон қушин сайд айлар учун доналардур домида.

*
*
*

Ёғлирингим, жон била мен хастадурмен зор анга,
Хаста жонлар риштасидиндур магар ҳар тор анга.

Эврулур бошинггаю гоҳи юзунга юз қўяр,
Бу жиҳатдин от эмиш «гулпечу» гаҳ «гулзор» анга.

Бир чамандур саҳниким, бўлғай бинафша сарбасар.
Теграси гулзордурким, бўлмағай бир хор анга.

Ёғлиғинг токим юзу кўзунгга тегмиш, бор дурур
Юз менингдек зору юз минг мен каби бемор анга.

Эй кўнгул, юз пора қилса ёр тиги, ғам ема,
Лутф этиб гар боғлар ўлса ёғлиғини ёр анга.

Кўнглум истар ёғлиғингни, балки, андин бир насим
Етса Бобурға эрур жон бирла миннатдор анга.

* * *

Ул парининг тигидин қурқутма мени, эй рақиб,
Ишқида бошимға менинг ҳар не келса, ё насиб.

Эврулуб бошингга, эй ой, қилмишам тарки ватан,
Раҳм қилғил мангаким, саргаштадурмен, ҳам ғариб.

Телба бўлмоқлиғдин ўзга чорае йўқтур манга,
Ул париру ногаҳон ар чиқса уйдин ёсаниб.

Жонда беркитган ўқин чёкмак манга ранже дурур,
Қўйғил ул ўқни, чекай деб ранж чекма, эй табиб.

Бобуро, ҳаргиз қулоқ шеърингга ул гул солмади,
Гулга не парвоки юз фарёд қилса андалиб.

* * *

Эшигингга бош урармен телбалар янглиғ юруб,
Эй пари, йул бер висолингғаки, кетмай бош уруб.

Сарв қаддинг борида ўз қаддини чун қилди васф,
Ўтқа ёқти боғбон сарви сиҳисин синдуруб.

Ўлтуруб эрди, қўпуб кетмакка чун азм айлади,
Ёна тиргузди мени, алҳамдулиллаҳ, ўлтуруб.

Қўзлари сайд айлар учун телба кўнглумни менинг
Қоши ёсини қуруб, кирпич ўқини тулдуруб.

То сабо зулфини ул гулнинг паришон айлади,
Жон била ақлу кўнгулни елга бердим совуруб.

Топшуруб эрдим кўнгулни ёрга, чун борди ёр,
Ҳамраҳ эттим хаста кўнглумни худоға топшуруб.

Бўйнума занжири ғам, ё буғзума тиги ситам,
Ҳарне келса ишқ йўлида турубмен телмуруб.

Мен билурмен кўзи қотил, лаъли жонбахш эрканин,
Чунки Бобур, ҳажрида кўп йиғладим оғзим қуруб.

* *

Гофил улма, эй соқий, гул чоғин ғанимат тут!
Вақти айш эрур боқий, ол чағир, кетур, бот тут!

Бу насиҳатим онгла, не билур киши ёнгла,
Не бўлур экин тонгла, сен бу кун ғанимат тут!

Гофил улма давлатта, ўзни солма меҳнатта,
Тангри берур албатта, давлат иста, ҳиммат тут!

Хуш турур висоли ёр, анда бўлмаса дайёр
Бўлса, васл беағёр давлату саодат тут!

Ғам черики беҳаддур, чораси будур, Бобур,
Бодани кўмак келтур, жомни ҳимоят тут!

* *
* *

Эй юзи насрин, қомати шамшод,
Неча қилурсен жонима бедод?

Сен киби пуркор, шеваси бисёр,
Билмади, эй, ёр, ҳеч киши ёд.

Жаврда нодир, зулмда моҳир,
Ишвада қодир, ғамзада устод.

Ёр ғамидин, ҳажр аламидин
Сабр камидин нолаю фарёд.

Бобури бедил, эй бути қотил,
Жаврунга мойил, зулмунга муътод.

* *
* *

Шоҳ Султон Увайс бин Маҳмуд!
Моҳ Султон Увайс бин Маҳмуд!

Қадду оғзиндин айру тортармен
Оҳ, Султон Увайс бин Маҳмуд!

Мени ёд айла базми ишқингда
Гоҳ, Султон Увайс бин Маҳмуд!

Хуш турур, ҳамраҳим агар сенсен,
Роҳ, Султон Увайс бин Маҳмуд!

Подшаҳдур агарчи Бобур, лек
Шоҳ Султон Увайс бин Маҳмуд!

*
* * *

Балон ишқки, ҳардам манга жафойидур,
Бу ишқдин кеча олмон, ажаб балойидур.

Хати лабиға тутош булса эй кўнгул, не ажаб
Ки, Хизр чашмаи ҳайвонга раҳнамойидур.

Ярар бу хаста кўнгул дардиға ўқни яраси,
Магарки ҳар яраси ёрнинг давойидур.

Баҳор фаслидуру май ҳавоси бошимда,
Аёқ тут манга, соқийки, хуш ҳавойидур.

Ул ой рақибға булди рафиқу Бобурнинг
Рафиқу ҳамдами ҳажринда оҳу войидур.

*
* * *

Янги оӣ ёр юзи бирла куруб эл шоду хуррамлар,
Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.

Менинг бу тори му янглиғ танимға тоблар солди,
Ул ойнинг юзида сунбул киби зулфидаги хамлар.

Хавоға дуди оҳин тутратур ишқ аҳли ғайратдин,
Сабо таҳрикидин ҳар гаҳ паришон бўлса парчамлар.

Очилди зулфию хайлар намудор ўлди юзида,
Гул узра чун бўлур пайдо кеча очилса шабнамлар.

Мену кунжи ғаму оҳу фиғону ашки хун олуд,
Не хушдур гушае холий, майи софию ҳамдамлар.

Кўнгулни ишқ бузди, не асиғ панду насихатдин,
Менинг мажруҳ кўнглумға ярашмас ушбу марҳамлар.

Юзи наврузию васли ийдини, Бобур, ғанимат тут
Ки, мундин яхши бўлмас, бўлса юз наврузу байрамлар.



Очилиб икки сочи юзига ёйилмишлар,
Еруқ жаҳонни кўзумга қоронғу қилмишлар.

Чоғир багир қонидур барча ишқ аҳлиға,
Зиҳи аларки, бу майдин дами ойилмишлар.

Не қилсам айлама, эй ёр, айбким менда,
Жунуну ишқу йигитлик бори қотилмишлар.

Салоҳқа хирад аҳли мени ёвуқ дерлар,
Кўрунғки, ушбу чечанлар йироқ енгилмишлар.

Не суд ишқни элдин ёшурмоқ, эй Бобур,
Чу ҳолатингни бори олам аҳли билмишлар.



Хати — бинафша, хади — лола, зулфи райҳондур,
Баҳори ҳуснда юзи ажаб гулистондур.

Энги менги ою доғи юзу сўзи гулу мул,
Қади равону тани жону ирни маржондур.

Қошида чину кўзида кийну ангубин лабида,
Сўзида заҳр ва лекин тилида дармондур.

Қошингға кўп бора олмон, нетай, аролиқда,
Ешим тишинг дуридин айру баҳри Уммондур.

Утумни тез этасен ҳар тарафға секритиб от,
Саманди ноз инонини бир бери ёндур.

Не навъ васф қилай суратинг латофатини
Ки, ҳуснунга сенинг, эй руҳу ақл ҳайрондур.

Жафою жавр агар қилса, Бобуро, нетайин,
Не ихтиёр манга, ҳарне қилса султондур.

* * *

Заъфдин гӯё менинг бу зор жисмим нолдур
Ким, онинг шарҳин демакта хома тили лолдур.

Заъфлиқ жисмим била бу нотавон кунглум аро,
Дард ёр эрканга ушбу эгма қаддим долдур.

Мен дамо-дам қон ютармен ҳажр аёғидин, нетай,
Узгаларнинг жоми васли гарчи молломолдур.

Зулфиға вобастамен, васлига йўқдур дастрас,
Эй хуш ул озодаким, беқайду форигболдур.

Ул паридин мен нечук жон элтаменким, Бобуро,
Васли мушкил, ҳажри муҳлик, ғамзаси қаттолдур.

* * *

Кук вусмада ул ой қоши гӯё хаёлдур,
Е ой бошида кукта кўрунган ҳилолдур.

Не навъ ўхшасун юзига офтобким,
Онинг заволи бордуру бу безаволдур.

Оғзию икки зулфу қади бўлмаса манга,
Райҳону сарву гунча кўрардин малолдур.

Ушшоқ оҳи елидин осийб топмасун
Қаддингки, ҳусн боғида нозик ниҳолдур.

Кунглумга дард келгали хам бўлди қоматим,
Қаддим магарки «дард» ёнидағи «дол»дур.

Гарчи вафою меҳрни билмас менинг ойм,
Лекин жафою жаврда соҳиб камолдур.

Ҳар неча беиноят эса ёр, Бобуро,
Сен қўйма хидматингнию они — уёлдур.

* * *

Кўнглумни чу ул пари олибтур,
Девона булурга не қолибтур?!

Бедил эканимни эмди билгай,
Чун бир киши кўнгулни олибтур.

Кўнглумни олиб, тағофулин кур,
Билмасга узини не солибтур.

Зулфунг черигини йиғки, жамън
Бу фитнадин асру қўзғолибтур.

Бобур, неча кун кўнгулни хуш тут,
Бу олам иши чу мунқалибтур.

* * *

Васлин ул ой манга муҳол қилур,
Ҳажридин мени хаста ҳол қилур.

Билмайин ҳолатимни ул бемехр,
Узгалардек мени хаёл қилур.

Ол юзи кўз ёшимни қон қилди,
Кургач-уқ деб эдимки ол қилур.

Сарафроз этса даҳр шод улма,
Қ-охирул-амр поймол қилур.

Мен киму зуҳду тавбаким, зоҳид,
Неча андишан маҳол қилур.

Тавба ишин буюрма Бобурга,
Ким бу ишни ушал усол қилур.

* * *

Мендин узга хасталарга лаълидин дармон берур,
Мен берурмен жону умр — ул узгаларга жон берур.

Ошиқи — мен, ул қилур ағёрға маҳбублуқ,
Дардманди мен, вал ул ўзгага дармон берур.

Ўқида пайкон эмас бир қатра ҳайвон суйидур,
Етгач-ўқ жонсиз танимға жон ўшал пайкон берур.

Қон ёшимни ҳажрида, шеъримни васфида кўрунг
Ким, бу янглиғ дурру гавҳар қайси баҳру кон берур?

Бўлғали қаддиға мойил васлидин маҳруммен,
Бобуро, ул ҳусн нахли бар магар ҳирмон берур.

*
* *

Қаро зулфунг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзунгининг иштиёқида не сабру не қарорим бор.

Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ямон қилди, мен ондин бир сўрорим бор.

Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса сениндек ғамгусорим бор.

Агар муслиҳмен, ар муфсид ва гар ошиқмен, ар обид,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид, менинги иштиёрим бор.

Фигоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе, Бобур, ўшал гулдин кунгулда хорхорим бор.

* *

Гул жамолин ёпқон ул гулнинг ики райҳонидур,
Гунча сиррин очқон ул икки лаби хандонидур.

Ул мусалсал икки зулфи гул юзининг даврида,
Гул уза оғнар, магар, ул иккиннинг давронидур.

Ўқи захмини кўруб ҳар ён танимда эл дегай
Ким, бу кўҳи дарднинг ул лолаи Нуъмонидур.

Сел эмасдур ер юзин тутқон — кўзумнинг ёшидур!
Раъд эмасдур кўкка чирмашқон — кўнгул афғонидур!

Ложарам булғай паришону ҳавойи мен либи
Зарра янглиғ кимки бир хуршед саргардонидур.

Ул пари ишқида, Бобур, кўнглум андоқ телбадур
Қим, сочи занжиридур чоҳи зақан зиндонидур.

* * *

Менинг кўнглумки, гулнинг ғунчасидек таҳ-батаҳ
Агар юз минг баҳор улса очилмоғи не имкондур.

Агар ул қоши ёсиз боғ гаштин орзу қилсам,
Кўзумга уқ дурур сарву кўнгулга ғунча пайкондур.

Баҳор боғ сайрин не қилайким дилситонимнинг
Юзи гул, зулфи сунбул, қомати сарви хиромондур.

Висоли лаззатидин руҳ топмоғлиқ эрур душвор,
Фироқи шиддатида йўқса жон бермаклик осондур.

Бошидин эврулур армони бирла ўлдум, эй Бобур,
Менинг наъшимни бори ул пари кўйидин айлондур.

* * *

Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, мушкилдур
Сенинг бирла чиқишмоқлик доғи бисёр мушкилдур.

Мижозинг нозику сен тунд, мен бир беадаб телба,
Санга ҳолимни қилмоқ, эй пари, изҳор мушкилдур.

Не осиф нолаю фарёд хоболуд бахтимдин,
Бу унлар бирла чун қилмоқ, ани бедор мушкилдур.

Манга осон дурур булса агар юз минг туман душман,
Вале бўлмоқ жаҳонда, эй кўнгул, беёр мушкилдур.

Висолинким тиларсен нозини хуш тортқил, Бобур
Қи, олам боғида топмоқ гул бехор мушкилдур.

* * *

Ичгуча жоми ажал кўнглумда ул соқий дурур,
Тулгуча паймонам ул соқий била боқий дурур.

Бош кутармон бодадин чун бор аёғи уртада,
Қуймон илгимдин аёқ чун жилвагар соқий дурур.

Эгма қаддим айб қилма қоши ёлар ишқида,
Янги ойдек хам бўлур, гар худ фалак тоқи дурур.

Ул ҳилолинг бирла хуршединг сифотин ёзғали
Мухтасардур филмасал гар чарх авроқи дурур.

Ишқ эълomidин кўнгулни тутмоғинг не судким,
Дард нафъидур нечукким, заҳр тарёқи дурур,

Турклар хатти насибинг бўлмаса, Бобур, не тонг,
Бобурий хатти эмасдур, хатти сигноқи дурур.

*

* * *

Ёрдин озор кўнглум ичра беҳад бордур,
Эй хуш ул кўнгул — анга не ёру не озордур.

Йўқтурур гар ёр йўқтур тоқату сабру шикёб,
Ёр агар бордур, жафою жавру меҳнат бордур.

Неча кўрсатсам вафою меҳр этар жавру жафо,
Нечаким мен зормен, мендин ул ой безордур.

Кўзи ҳажрида, юзи ёдида, сузи шавқида,
Хотирим афгору жисмим зору кўз хунбордур.

Сенда, Бобур йўқ гунаҳ, ёрнинг итоби кам эмас,
Журмсиз доим итоб айлар — ажаб дилдордур.

*

* * *

Юзида ул лаби хандон кўрунур,
Сутга кўп боқса, бале, қон кўрунур.

Хатти мушкинму дурур гул юзида,
Е суман устида райҳон кўрунур?

Кўрмагай хотирини жамъ ўзга,
Кимга ул зулф паришон кўрунур

Ишқни эл не хаёл айлабдур,
Асру мушкил дурур — осон кўрунур.

Сарв буйлуқ санаминг, эй Бобур,
Рост айтай — сузи ёлгон курунур.

* *

Баҳор айёмидур доғи йигитликнинг авонидур,
Кетур соқий, шароби нобким — ишрат замонидур.

Ғаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Ғаҳи саҳни чаман гул чехрасидин арғувонийдур.

Яна саҳни чаман булди мунаққаш ранги гуллардин,
Магарким сунъининг наққошиға ранг имтиҳонидур.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибинга тараҳҳум айлагилким, анда жонидур.

* *

То узулди кўнглум ул ой қаддидин афсурдадур
Ким, узулган гунча гулининг шохидин пажмурдадур.

Кўксум ичра таҳ-батаҳ қонни бағир қилманг хаёл
Ким, анинг ишқин йулида бир таҳ этган гурдадур.

Ҳусн кўрмас кўзларим, кўнглум доғи ишқ истамас,
Гуиёким кўзларимдур куру кўнглум мурдадур.

Тан ҳижобин рафъ қил, гар ёр васлин истасанг,
Эй кўнгул, билким арода ҳойил ушбу пардадур.

Борму эркин ишқ элинда, балки олам аҳлида
Мунча чоғлиғ ҳасрату андуҳким Бобурдадур.

*
* *

Сочню кузию қошидин бошта ҳаводур,
Не бошда ҳаво — ҳар бирси бошқа балодур.

Қош ёси била ул қора куз ғамза уқини
Ушшоқдин ўзга сорига отса хатодур.

Ғар чин десангиз кузи онинг оҳуйи Чиндур,
Хатгини хато қилмасангиз мушки Хитодур.

Эврулсам онинг бошига, топшурсам онга жон,
Жонимда ҳавас улдуру бошда бу ҳаводур.

Ишқ ичра ёшурғон юраким қонини, ваҳким,
Бу сели сиришким бори оламга ёёдур.

Бобур, деса ойини не тонг жавру жафолик
Ким, ҳусн эли ойини, бале, жавру жафодур.

*

* *

Чу дод берди манга шоҳ бу умиди вафодур,
Не суд рашки ҳасудоки, дод доди шудодур,

Не тонг қотинда агар булса лаълу дур, тошу тупроқ
Ки, маъдани караму жуду баҳри лутфу саҳодур.

Агарчи даҳр аламиндин тукулди сели сиришким,
Ва лек, шаҳ караминдин умидим асру тулодур.

Язид элга не миқдор ғозийлар қотидаким,
Ул элдур асру юраксиз, бу хай асру баҳодур.

Адоват оди, муҳаббат нишони қолгуча, Бобур,
Адув хайли Язид муҳибби — оли аבודур.

*

* *

Ғурбатта ул ой ҳажри мени пир қилибтур,
Ҳижрон била ғурбат манга таъсир қилибтур.

Мақдур боринча қилурам саъйи висолинг,
То тенгрини, билмонки, не тақдир қилибтур.

Тақдирдур ул ёну бу ён солғучи, йўқса,
Кимга ҳаваси Санбалу Татйир қилибтур.*

* *Санбал Татйир* — Ҳиндистондаги жойлар ном-
лари.

Бу Ҳинд ери ҳосилидин кўп кўнгул олдим,
Не судки, бу ер мени дилгир қилибтур.

Сендин бу қадар қолди йироқ улмади Бобур,
Маъзур тут, эй ёрки, тақсир қилибтур.

*
* * *

Сендек манга бир ёри жафокор топилмас,
Мендек санга бир зору вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил била худ ҳуру парисен
Ким, жинси башар ичра бу миқдор топилмас.

Ағёр куз олидаю ул ёр аён йуқ,
Ғам хори кўнгул ичраю ғамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки, ҳуснунг чаманида,
Кўзни юмуб очқунча бу гулзор топилмас.

Бобур, сени чун ёр деди, ёрлиғ этгил,
Оламда кишига йуқ эса ёр топилмас.

*
* * *

Қўй, эй оқил, насиҳат сўзларинким дилписанд эрмас,
Менинг девона кўнглумга насиҳат судманд эрмас.

Неча девона кўнглумни қилурсен нафй, эй оқил,
Агарчи телбадур бори сенингдек худписанд эрмас.

Қилурсен талх айшим комини беҳуда сўзлардин,
Саросар сўзларинг захредур, эй носихки, панд эрмас.

Бўлубмен бир парининг анбарин сочиға вобаста,
Мени телбага эмди ҳожати занжиру банд эрмас.

Жаҳонда кўп гадо, гарчи лаванд атворлиқ бордур,
Ва лекин, Бобуро, ҳаргиз сенингдек шаҳ лаванд эрмас.

* * *
Ул ёрнинг иттифоқи нифоқиға арзимас.
Айёми васли шоми фироқиға арзимас.

Бу даҳр ичра бистари роҳат тиларни қўй,
Ул фарш чун бу кўҳна равоқиға арзимас.

Айшеки утти — узга ани зикр айлама,
Ҳар нимаеки итти — суроқиға арзимас.

Қилмоқ умиду бийм ила хидмат шаҳ олида,
Дарбонининг сукунчу таёқиға арзимас.

Бобур, висолни не тиларсен чу ҳажр бор,
Бир лаҳза айш меҳнати боқийға арзимас.

* * *
Олди кўнглумни, соғиндимким, манга дилдор эмиш,
Билмадим, бу навъ мендин ул пари безор эмиш.

Ошиқ ўлғоч кўрдум ул шамшод қаддин юз бало,
Оллоҳ, оллоҳ, ишқ аро мундоқ балолар бор эмиш.

Илтифот этмаслигин бозий хаёл айлар эдим,
Эмди билдимким, анга мендин бу янглиғ ор эмиш.

Ул пари ишқида йуқ улмоқдин узга чорас,
Чун ўзи — қотил, сўзи — муҳлик, кузи хунхор эмиш.

Ҳусн аҳли, эй кўнгул, олам аро ишқ аҳлининг
Кўнглини сохлар эмиш, ҳар кимгаким, дилдор эмиш.

Ул вафосиз ёрдин чекмак не яъни мунча ғам,
Ҳусн аҳли чунки, Бобур, дунёда бисёр эмиш.

* * *
Неча даврон ғуссаси бўлғай менинг жонимға хос,
Қошки ўлсам, доғи бу ғуссадин бўлсам халос!

Оҳу вовайло — сурудум, дарду ғам — ҳамсуҳбатим,
Бода — ашким қони, ким кўрди мунингдек базми хос?

Гар шикастим бўлса суст агёрдин таън этмангиз
Ким, шикастига сабаб олмоснинг бордур расос.

Ошиқ ўлғоч бехуду девона бўлдум, билмадим
Ким, пари рухсоралар ишқиға бу эрмиш хавос.

Хубларни кўз кўруб қон қилди Бобур бағрини,
Энди кўздини қон тукарменким, будур анга қасос.

*
* *
*

Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?
Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ!

Гар замонин нафй қилсам айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ!

Дилраболардин ёмонлиқ келди маҳзун кўнгулма,
Келмади жонимға ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўл,
Энди кўз тутмақ не маъни ҳар ямондин яхшилиғ?

Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!

Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким, кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!

*
* *
*

Сўрма ҳолимники, бўлдум бурногидин зорроқ,
Жисм жондин зору жоним — жисмдин афғорроқ.

Бунда тақрир айлай олмон банди-бандим дардини.
Юз темур банд ўлса ондин бу эрур душворроқ.

Масту бехудлуқ била умрунгни уткардинг, дариг,
Эй кўнгул мундин бори бул бир нима ҳушёрроқ.

Ғафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод
Ким, етар мақсадға ҳар ким бўлса ул бедорроқ.

Улгали еттим, менинг жоним ғамин е, эй рафиқ,
Даҳр аро чун йуқ киши сендин манга ғамхорроқ.

Келмас ўшар заҳматинг ислоҳға, Бобур, магар
Ҳар давоким қилдилар, булдунг тақи беморроқ.

*
* * *

Ер юзумни куруб дарду ғамим билса керак,
Юз куруб дарду ғамим чорасини қилса керак.

Эй сабо, жону кунгулни ўзининг чун қилди,
Кунгли бирла дегасен, жони учун келса керак.

Васлини не қилайин, ғайрдин айрилмади ҳеч,
Ер васли мангаю ағёрдин айрилса керак.

Васлининг қадрини чун билмади бу телба кунгул,
Ҳажрининг тиғи онинг юрагини тилса керак.

Шукр, Бобурни билурмен, деган эрмиш ул ой,
Ложарам, бандаларин шоҳлари билса керак.

*
* * *

Бир пари мен телбани ҳусниға мойил қилғудек,
Қўзум ичра ер тутиб, кунглумда манзил қилғудек.

Кунглуму кузум юзига волаю ҳайрон бўлуб,
Жонима юз минг ғаму меҳнатни ҳосил қилғудек.

Нотавон кунглумга ишқи қайғуни келтургудек,
Айшу ишратни кунгулдин қайғу зойил қилғудек.

Қилмади Фарҳоду Мажнун ўзни расво мен киби
Ким, бу навъ иш — иш эмасдур ҳеч оқил қилғудек.

Ул пари ишқида Бобур жон бериб, эй аҳли ишқ,
Ишқ атворини ишқ аҳлиға мушкил қилғудек.

Чиқса қуёш фалакка сен отқа чиққанингдек,
Булғайму ул сенингдек, ул бири тавсанингдек?

Кўкsumни чун қаҳ ёрдинг, киргил кўнгулгаким, бор
Ул ёра эшигингдек, кўз анда равзанингдек.

Гар сийм барги гулни қилса либос ўзига,
Булғайму, эй гуландом, кўнглак била танингдек?

Ул ёр ҳазратинда бисёр яхшидур ғайр,
Мен ҳам ямон эмон, лек, яхши эмон анингдек.

Даъвийи ишқ этиб, ғайр, Бобурни айб қилма,
Қим мен эдим сенингдек, сен булғайсен манингдек.

*
* * *

Ўзни, кўнгул, айш ила тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айшу тараб гулбунига сув бериб,
Гусса ниҳолини қурутмоқ керак.

Тийра дурур зуҳд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ҳар нимага ғам ема, ғам кўп турур,
Айш била ўзни овутмоқ керак.

Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

*
* * *

Кўнгулга булди ажойиб бало қаро сочинг,
Шякаста кўнглума эрмиш қаро бало сочинг.

Бошимга чиқти тутун рашкдин қаро сочдин,
Аёққа тушгали, эй сарвнoз, то сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун аҳли,
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,
Кўнгуллар очилур, очилса ул қаро сочинг.

Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,
Не айб агар деса дилбанду дилкушо сочинг!

*
* *
*

Ултурур гарчи мени гуфторинг,
Тиргузур ул лаби шакарборинг.

Куйдурур ҳасратида мени, нетай,
Оташин гулдек ики рухсоринг.

Эй кўнгул, яхши икки дунёдин
Бир назар қилса санга дилдоринг!

Хор кўрма ғамин ул ойнингким,
Будурур фурқатида ғамхоринг.

Қилди то гул юзида зоҳир хат,
Бобуро, бўлди хати безоринг.

Хираду сабр келиб албатта,
Ишқдин эмди мени кутқоринг.

*
* *
*

Олида гўйин кўрунг, илгида чавгонин кўрунг,
Юзида зулфи била гўйи занахдонин кўрунг.

Секретиб елдурганида тавсаниға кўз солинг,
Ейқолиб йўл юруса, сарви хиромонин кўрунг.

Ул пари майдон аро жавлонда юз минг ноз ила,
Орқасинда юз менингдек зору ҳайронин кўрунг.

Ишқида жонни маломат ўқиға қилманг ҳадаф,
Қошининг ёсини кўзланг, тийри мужгонин кўрунг.

Дерки, Бобур, илтифот айлай санга етган замон,
Менга етгач қошида юз чину ёлғонин курунг.

Қайси бир озорин айтай жонима агёрнинг?
Қайси бир оғритқонин кўнглумни дей дилдорнинг?

Қайси бир бераҳлиғини толеи гумроҳнинг?
Қайси бир кажравлиғини чархи кажрафторнинг?

Қайси ҳасрат бирла армонин вафосиз васлининг?
Қайси меҳнат бирла ранжин фурқати хунхорнинг?

Гурбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни қўй,
Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг.

Бобур, ул гул жавр этар, агёрдин не яхшилиг?
Гулнинг озори бу бўлса, ваҳ, не бўлғай хорнинг?

* *

Кимки бўлғай сен киби оламда дилдори анинг,
Ҳар қаён азм айласа бўлғай худо ёри анинг.

Қўйидин мен азм этармен қолғудектур хотирим,
Хотиримни сахласа тенгри ниғаҳдори анинг.

Келдим эрса келмади ҳаргиз анинг кўнглига раҳм,
Бордим, аммо бормади кўнглумдин озори анинг.

Ул қуёшдин не асиғ чекмак жафою жаврким,
Майли йўқтур заррае меҳру вафо сори анинг.

Борғай эрдим бош ила куйига найлай, Бобуро,
Ҳар қачон борсам эшигига, келур ори анинг.

* *

Телба кўнглумким, сенинг чангингдадур, ёд айлагил,
Бир навозиш бирла кўнглумни менинг шод айлагил!

Ишрат ичра ҳар қачонким чанг олсанг илгинга,
Фурқатингда қолгон эгри қоматим ёд айлагил.

Соз айлаб бир нишотангез чанг, эй дилрабо,
Бенаво кўнглумни ғам чангидин озод айлагил.

Мажлис ичра чанг бирла тортиб овоз, эй пари,
Сабру ҳушим жузву авроқини барбод айлагил.

Чанг дабири кўк чолур: «Ёринг чу йўқтур, Бобуро,
Ерга бош чөлмоқ била ўзунгни муътод айлагил!»

*
* * *

Не фикреким сенинг фикринг эмас ул фикр эрур ботил,
Не умреким ўтар сенсиз эрур ул умр беҳосил!

Таолаллоҳ, не кўзу қош дурурким, ҳар қачон кўрсам,
Ғаҳи кўнглум бўлур беҳуд, ғаҳи ақлим бўлур зойил.

Жафою жавр тавридин эурсен асру кўп воқиф,
Вафою меҳр расмидин бўлурсен асру кўп ғофил.

Қуёш янглиғ юзунгга мен дурурмен волаю ҳайрон,
Янги ойтек қошингга мен дурурмен ошиқу мойил.

Кечурдунг ою йилни масту беҳудлуқ била, Бобур,
Неча ғафлат била умр ўткарурсен, неча кун ойил!

*
* * *

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин узга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдек ўзга жонни дилафгор кўрмадим
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўн этмишам, нетай,
Чун васлиға ўзумни сазовор топмадим.

Бори борай эшигига бу навбат, эй кунгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр, ёрсизки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

*

*

Сенинг ишқингда, эй номехрибон, бехонумон бўлдум,
Демон бехонумон — оворай икки жаҳон бўлдум.

Лабинг гар бермаса буса, нечук жон элта олғайман,
Бу йўлдаким адам саҳросиға эмди равон бўлдум.

Сўруб ул ой лабидин, оғзининг рамзини англадим,
Бир оғиз сўз била, кўрунгики, мунча хурдадон бўлдум,

Нечаким қоши ёлар ишқида тузлукни кўрсаттим,
Вале охир маломат ўқлариға-ўқ нишон бўлдум..

Кулар эрдим бурун Фарҳоди мискин достониға,
Бу Шириндурки онинг барла-ўқ ҳамдостон бўлдум.

Висолинг давлатиға етмасам Бобур киби, не тонг
Қи, ҳажринг меҳнатида асру зору нотавон бўлдум.

*

*

*

Ҳазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лола руҳ, бу чеҳраи зардим.

Сен эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳарғиз,
Аёғингға тушуб барги-хазондек мунча ёлбордим.

Латофат гулшанида гул киби сен сабзу хуррам қол,
Мен арчи даҳр боғидин хазон япроғидек бордим.

Хазондек қон ёшим, сориг юзумдин эл танафурда,
Баҳр ранги, биҳамдиллаҳ улусдин ўзни қутқордим.

Не толеьдур мангаким, ахтари бахтим топилмади,
Фалак авроқини ҳар нечаким дафтардек ахтардим.

Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардур,
Бу оламда ўзумни чун ямон-яхшидин уткардим.

*

Ғайр тоши захмидин дардимни изҳор этмадим,
Ичтаги пинҳон ғамим тоштин намудор этмадим.

Қондин элга ёйди тифли ашк сирримни менинг,
Чунки мен ул ёшни ҳаргиз соҳиб асрор этмадим.

Келмади кўнглумга ишқининг суруру давлати,
То ўзумни меҳнату ғамга сазовор этмадим.

Юзи хуршиди, тиши дурридин айру жисмда
Қолмади бир зарра ерким, тишдин афгор этмадим,

Толемдин не осиг, Бобур, фиғону нолаким,
Уйқулуқ бахтимни бу ун бирла бедор этмадим.

*

* *

Оёгин ўпсам етишгай арш соқийға бошим,
Даст бергай давлатим, гар тутса илгим махвашим.

Қўймоғумдур этагинг кетсам иликдин ҳар неча,
Бормоғумдур остонингдин агар борса бошим.

Утти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қаригум ишқида,
Улганим яхши бу навъ ар утса элликдин ёшим.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошиға ёзғасиз,
Токи бирдек бўлғай ул ой ишқида ичу тошим.

Ер ити, қичқирма гар Бобур деса ҳолин санга,
Найлайн бу ғурбат ичра сендин ўзга йўқ кишим.

*

* *

Не хуш бўлғайки, бир кун уйқулуқ бахтимни уйғотсам,
Кечалар тори мўйидек белига чирмашиб ётсам.

Ғаҳи гулдек юзини ул шакар сүзлукни исласам,
Ғаҳи шақкар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.

Қани Ширин била Лайлики сендин ноз урганса,
Қани Фарҳоду Мажнунким, аларға ишқ ургатсам.

Еруқ кундуз, қоронғу кечада анжум киби бўлғай,
Чекиб гар оҳ дудини кўнгул утини тутратсам.

Кўзум равшанлиғида бўлғай, эй Бобур, баса камлиқ,
Агар қоши била юзин ҳилолу кунга ўхшатсам.

* *

Ҳажр аро ишрат аёғин борму нўш айлар чоғим,
Сенсизин юруб аёқ ичкунча синсин аёғим!

Ишқ бемори мену сен хуснунгга мағруру маст
Мен нечук бормай ўзумдинким, дами йўқтур соғим.

Доғлар қўйдум дирамлар киби куксумни ёриб,
Не осифким, ёрға тушмас қабул ул ёрмоғим.

Даст бермас васлу келмас ёру раҳм этмас, не суд?
Бормоғим бўғзумға элтиб бормоғим ёлбормоғим.

Истарам, эй ишқ, мендин қолмағай ному нишон,
Туфроқ эт жисмимни доғи елга бергил туфроғим!

Кўзларимдин борғали ёшим таним бўлди низор,
Билмадим ул ёш экандур, Бобуро, менинг ёғим.

* *

Ғурбату ҳижронға қолдим, оҳ, ул жон илгидин,
Жонға еттим эмди ғурбат бирла ҳижрон илгидин.

Кўрсатур гаҳ тигу гаҳ ўқ ҳолатимни билмайин,
Не балолар кўрадурмен ёри нодон илгидин.

Эл фиғонимдин бажону мен бу жондин, эй ажал,
Қил халос, элнию мени жону афғон илгидин.

Бобур, ул ой ҳажрида ишинг, баче, душвор эди,
Шукрким, қутқарди ўлум сени осон илгидин.

*
* * *

Яна кўз уйида маъво қилибсен.
Кўнгул кошонасида жо қилибсен.

Яна савдойи зулфунгдин, нигоро,
Мени ошуфтаю шайдо қилибсен.

Ғаминг йўқ жон агар берсам ғамингда,
Ўзунгни мунча бепарво қилибсен?!

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун,
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Кўзумдин ёшунуб, эй баҳри алтоф,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибен.

Соғинмас жаннат ул-маъвони, Бобур,
Анинг кўнглида то маъво қилибсен.

*
* * *

Не вафо умрумда ул жону жаҳондин кўргамен,
Ким вафо жондин кўрубдурким, мен ондин кўргамен?!

Кўз йўлидин ул пари ҳуснин назар айлар эдим,
Қон ёшим ул йўлни тутти, эмди қондин кўргамен?!

Ё раб, ул кун шум толеъдин манга бўлғаймуким,
Жонима ором ул оромижондин кўргамен?

Кўз кўрар, лекин солур мени балоға бу кўнгул,
Бу балони неча чашми хунфишондин кўргамен.

Бартараф қилгил вафо истарни элдин, Бобуро,
Ул ғалатдурким вафо аҳли жаҳондин кўргамен.

*
* *
*

Такаллуф ҳар неча суратда бўлса ондин ортуқсен,
Сени жон дерлар, аммо бетакаллуф жондин ортуқсен.

Парининг ҳусн ичра гарчи оти бениҳоятдур,
Мени девона қошинда ва лекин ондин ортуқсен.

Пари бу ҳусн бирла кўрса юзунгни, бўлур телба,
Сени таъриф этар, лекин сифат қилгондин ортуқсен.

Қадам ранжида қил кўнглум учун, эй ёрнинг ўқи,
Менинг бу нотавон кўнглумга чун дармондин ортуқсен.

Иқомат чунки қилдинг, Бобуро, ул ҳур куйида,
Мақоминг равзадин авло, ўзунг ризвондин ортуқсен.

*
* *
*

Бу янглиғ билсам эрди ҳажрнинг муҳлик қаро шомин,
Берурму эрдим ўлгунча иликдин васл айёмин?!
Жаҳонда айшу ишратдин кўнгул ором топқайму,
Киши то кўрмагунча ёнида маҳваш дилоромин?

Кўнгулда ҳасрати ул оининг оғзининг чу беҳаддур,
Кўнгул гўёки мундин дур тутубтур ғунча андомин.

Масиҳ анфоси янглиғ жон берур фарсуда жисмимга,
Сабо келтурса ногаҳ ҳажр аро ул ёр пайғомин.

Мувофиқ ёрлар бирла бу дамни хуш кечур, Бобур,
На учунким келур дамга бўла олмас киши зомин.

*
* *
*

Сўзлаб ул лаъли шакархони шакаррез этасен,
Очиб ул зулфи сумансони диловез этасен.

Гаҳ қошинг секритибу гоҳи кўзунг ўйнатиб,
Не бало фитна менинг жонимга ангез этасен.

Сув киби тигинг чекиб, тунд самандингни миниб,
Елдуруб ҳар сорига менинг утум тез этасен.

Кўзларинг ҳажрида мен бемору боқмайсен манга,
Мени оғриққа магар боққали парҳез этасен.

Ҳажр шоми меҳнатидин қутула олмай чу сен,
Бобуро, ҳар нечаким узни саҳархез этасен.

*
* *
*

Хуршид юзунг бирла бу кун, эй маҳи тобон,
Даъво гар этар булғуси кун, сунгра пушаймон.

Сен гул киби то ғамзадасен ҳуснунга мағрур,
Булбул киби мен ғамзадамен, ҳуснунга ҳайрон.

Гул юзунг эрур лола, вале, лолаи худрўй,
Тор оғзинг эрур ғунча, вале, ғунчаи хандон.

Гоҳи қулоғинг тўлғади, гаҳ юзунга келди,
Зулфунгни йиғиштурки, баса булди паришон.

Чун булди сочи ториға жон риштаси пайванд,
Бобур, кўнгул узмак сочидин эмди не имкон?!

* * *

Қадду хаттинг била кўзу юзунг, эй сарви сиймин тан,
Бири сарву бири райҳон, бири наргис, бири гулшан.

Ҳадису лаълу рафтору жамолингдин эрур ҳар дам.
Тилим гўё, сузум рангин, кўнгул хуррам, кўзум равшан.

Мени мадҳуш мискин, найлай, ул шўхи бало бирла,
Мен асру бедилу беҳуд, ул асру пурдилу пурфан.

Фалак жавру жафосидин, ул ой дарду балосидин,
Чекармен нолаю афгон, қилурмен гиряю шеван.

Балои ишқу ёлғузлуқ дағи ҳижрону ғурбатда
Отим Мажнун, кишим меҳнат, ишим зори, ерим гулхан.

Уқунг бирла хаёлинг, дардингу меҳрингга Бобурдек,
Таним манзил, кўзум маскан, кўкс маъво, кўнгул
маҳзан.

* * *

Ишқ элининг оҳидин ул сарв қад ҳам бўлмасун,
Ғам елидин ул муанбар зулф дарҳам бўлмасун.

Кўп жафою жавр кўрдук, эй қуёш, ҳажринг куни,
Бошимиздин сояи сарви қадинг кам бўлмасун.

Даҳри дундин тегмасун озор нозик жисминга,
Даҳр аҳлидин муборак кўнглунга ғам бўлмасун.

Олам аҳли бирла оламдин манга сенсиз ғараз,
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун.

Ғар ҳаводорим эурсен, эй сабо, арз айлаким,
Ул юзи гул сарв ҳар хас бирла ҳамдам бўлмасун.

Ғарчи ошиқ лозими оламда расволиқ дурур,
Ишқ аро Бобур киби расвои олам бўлмасун.

* * *

Тушумда чун қуёшдек оразингни кўрдум ўтрудин,
Тилармен то қиёмат очмағаймен кўзни уйқудин.

Сенинг васлингдин айру тушгали борғон сори ортар,
Таҳассур орқадин, меҳнат ёнимдин, ҳажр ўтрудин.

Кўнгулдин қатъи уммид айладим ул вақтким, билдим,
Кесилди риштаи жондин, осилди тори гисудин.

Тия олмон йиғини кўргач ул ёшни, вале, ул ҳам
Кўзум ёшини кўргач, асрай олмас ўзни кулгудин.

Кўзум ёшики, емулди шикибу сабр уйи ондин,
Зиёнлар санга, эй Бобур, бу янглиғ билмадим судин.

*
* * *

Қуёшим ҳар сорига азм қилса, заррае қолмон,
Не учунким, агар айрилсам ондин кун кўра олмон.

Онингдек бўлмишам ҳайрон қуёш янглиғ юзунгаким,
Қуёшдек найзалар тегса кўзумга кўз ола олмон.

Агарчи ёр ишқи нотавон кўнглумға ут солди,
Вале, мен нотавон ул ёр ишқида кўнгул солмон.

Ибодат вақти бўлса, ҳар неча меҳроб ўтрумда,
Қошин нақшин тасаввур қилмағунча ерга бош чолмон.

Ироқу Форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.

*
* * *

Менинг кўнглумни ҳардам оғритиб парвое қилмайсен,
Сен, эй бедард, найлайким, кўнгул дардини билмайсен.

Не билгайсен менинг дарду ғамим ҳар соату ҳар дам
Ки, ҳусн усруклугидин ою йил, эй ой, билмайсен.

Вафо мактуби бирла ғамза ўқин ҳеч ёзмайсен,
Жафо расмию жавр ойинини ҳаргиз ёнгилмайсен.

Қотилма, ишқ эли ҳолин чу билмассен, манга, эй шайх,
Не билгайсенки, ҳаргиз бу жамоатға қотилмайсен.

Бўлубтур ишқинг ичра гарчи хасдек жинси Бобурнинг,
Вале, не фойдаким хасча чоғлиқ кўзга илмайсен.

*
* * *

Жамолинг васфини, эй ой, неча элдин эшитгаймен,
Не кун бўлғай висолингға мени дилхаста етгаймен!

Тараҳҳум юзидин юзунгни кўрмакка буюрғайсен,
Уш улким оразингни кўрмаген, сўзунг эшитгаймен!

Итингдурмен, сочинг занжирин буйнумга маҳкам қил,
Ки, водийи фироқинг ичра қурқарменки, йитгаймен.

Тараҳҳум қилмасанг ё боқмай истиғно била ўтсанг,
Тазарруъ қилгамен ё йиғлагаймен — ўзга нетгаймен?!

Муяссар булмаса бошимни қуймоқлик аёғига,
Бошимни олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен!

*

* * *

Бу кеча кулбамга келди ул қуёшим ёшурун,
Қарнларда келмади ҳаргиз мунингдек кечқурун.

Оғзидек тор фурсат васли, вале, ҳажри туни,
Ул муанбар сочи янглиғ ҳам қоронғу, ҳам узун.

То хаёли оразинг тушти кўнгулга, эй қуёш,
Бўлди кўнглум бир ёнар уту сўнгаларим — ўтун.

Бўлди кўнглумда гириҳи ҳасрат анинг тор оғзидин,
Бор магар жисмим менинг тору кўнгул анда тугун.

Олғали жонини ҳижронга ҳавола қилди ёр,
Қўйма ҳижронга, ажал, жонимни ол, тенгри учун!

Сарвдек қадди фироқида фиғонимдур баланд,
Гул киби рухсори ҳажрида ёшимдур лолагун.

Ишқ ила девоналиғда булмишам соҳиб камол,
Ишқ аҳли, эмди Бобурни дегайсиз зуфунун.

*

* * *

Шохи гулу настаран ёд берур буйидин,
Атрини мушки Хутан касб қилур мўйидин.

Гул — юзидин мунфаил, сарв қаддидин хижил,
Ранг олур муттасил лола гул руйидин.

Жонга қилур юз ситам, кўнглума юз онча ҳам,
Кўз оқизур жўйи ғам шўхи бало жўйидин.

Равзаға гар етгамен, онсиз ани нетгамен?
Мумкин эмас кетгамен ул қаро кўз кўйидин.

Гарчи қилур юз карам, васли этар муҳтарам,
Лек, бaсе, қурқарам, Бобур, онинг хуйидин.

*
* *

Қаёнға борсанг, итингмен, узумни еткурройин,
Етишмасам санга боқиб дуо қилиб ҳуройин,

Юзум бусағангга сурсам не яхши айш дурур,
Иноят эт эшигингда бу айшни суройин.

Фироқинг ичра йиғидин нечук йиғай ўзни,
Ешим бош урди жаҳонға, не навъ ёшуройин.

Неча тағофул этиб менга боқмайин юрур ул,
Неча тазарруъ этиб мен анга боқиб туройин.

Қуёшға зарра назар солмағай севунмақдин,
Қутулса ғам тунидин курса ёна Бобур ойин.

*
* *

Неча ҳусн аҳлидин, маҳзун қўнгул, озор топқайсен?
Неча гулчеҳралардин бағринг ичра хор топқайсен?

Неча ишқу фироқу раҳмсиз ағёр илгидин,
Ўзунгни хору жонни зору куз хунбор топқайсен?

Неча мақдур боринча анинг ройича борғайсен?
Неча борғон сойи ўзунгни бемикдор топқайсен?

Танимға нечаким наззора қилсанг доғ курғайсен,
Кўнгулда ҳар нечаким истасанг озор топқайсен.

Бу маҳвашларға кўнглунг бермағилким, асрай олмаслар,
Кўнгулни асрағил, бўлғайки, бир дилдор топқайсен.

*
* *

Хатинг била юзунгу кокулунг сенинг, эй жон,
Бири бинафша, бири ёсуман, бири райҳон.

Такаллум айларида тилию тишию лаби,
Бири ақиқу бири инжую бири маржон.

Кўнгулни зору мени хору тани тор этган,
Бири жафою бири ғурбату бири ҳижрон.

Тану кўнгул била куз васлу нозу ҳусни учун
Бири харобу бири волаю бири ҳайрон.

Тамоми умрида Бобурга уч сўз айтибдур:
Бири сўкунчу бири қаттиқу бири ёлғон.

*
* *

Неча лаълингдин менинг бағрим тула қон қилғасен?
Хотиримни неча зулфунгдек паришон қилғасен?

Неча еткургайсен эл бошини кўкка меҳр ила,
Неча мени жаврдин ер бирла яксон қилғасен?

Кўнглума дашному таънинг улча мақдур этгасен,
Жонима бедоду зулмунг улча имкон қилғасен.

Манга бормоқ мушкилу келмак санга осон дурур,
Ушбу мушкилни манга, ё раб, сен осон қилғасен.

Демагай аҳсант лафзин, Бобур, ул ёринг сенинг,
Нечаким, Ҳассон киби ўзни сухандон қилғасен.

*
* *

Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен,
Олам ичра аёғим етганича етгаймен.

Истарам ўзин азиз элга кўрунмасликтин,
Неча ўзумни улус кўзида хор этгаймен?

Халқ юз жавр ила ишлар буюрур, кош элнинг,
Не юзин кўргамену не сўзин эшитгаймен!

Ҳар сори борса бу девона кўнгул, айб этма,
Ўйла девона эмаским, ани беркитгаймен.

Дема Бобурга нетарсен, бош олиб кетмак не?
Тенгрининг хости мундоқ эса мен нетгаймен?

* *

Бу ғамда менки, ишим фикрини не навъ этайин?
Не ерда сокин ўлай, не қилай, қаён кетайин?

Не дайрдин эшигим очилур, не масжидтин,
Неча эшикдин эшикка гадо киби этайин?

Жаҳон эли била гуфту шунуд қилмасмен,
Неча сүзумни дейин, неча қаттиқ эшитайин?

Узумни куч била бу данг элга не қотайин?

Дема не бўлди ишинг, фикр қилғил, эй Бобур,
Не бўлса ул бўлур эркин ишим, не фикр этайин?

*
* *

Ғайрға неча вафо қилгайсен?
Жонима неча жафо қилгайсен?

Бехато элга отиб ғамза уқин,
Бизга етганда хато қилгайсен.

Кўрмагайсен аламу дард юзийн,
Дардима, эйки, даво қилгайсен.

Тиларам сарви равонинг равишин,
Тилагим, кош, раво қилгайсен.

Бобур, ул умр сени суккан учун,
Умр борича дуо қилгайсен.

¹ Бу мисра йуқолган.

* * *

Сендин нафасе мурад топмон,
Ишқингда кўнгулни шод топмон.

Ишқ аҳлига илтифот кўрмон,
Ҳусн аҳлида эътиқод топмон.

Килсам санга ҳар неча тазаллум,
Фарёду фиғонки, дод топмон.

Фарёдки, дерга ишқ розин,
Бир кишини эътимод топмон.

Қошинг ғами шарҳини ёзарга,
Кўз қорасидек мидод топмон.

Мен банда жуз инқиёд билмон,
Сен шоҳда жуз инод топмон.

* * *

Хуш улки, ёна муборак юзунгни кўргаймен,
Юзум била қадамнинг гардини супургаймен.

Демаки, жавр келур санга ёр кўрмактин,
Мени не қўрқутасен, ҳарне келса кўргаймен?!

Гаҳи жафою гаҳи жавр этиб юз эвруласен,
Мен ул эмонки, булар бирла юз эвургаймен.

Неча фироқ ҳумори аро азоб чекай,
Қачон висол майидин дами усургаймен?!

Фироқ ўтида овунсам чоғир била не ажаб,
Магар бу сув била ул шуълани ўчургаймен.

Демиш меники итим, Хайркулпанда кўргумдур,
Неча бу ваъда била, Бобуро, югургаймен!

* *

Келки, сенсиз табакай мақтаули хижрон бўлғамен,
Чорае қилким, сенинг олингда қурбон бўлғамен.

Эй хуш улким, турғасен келиб кузум ўтрусид,
Мен тикиб икки кузум юзунгга ҳайрон бўлғамен.

Неча сенсиз дарду ғам бўлғай менинг кўнглумда жамъ,
Неча зулфунг иштиёқидин паришон бўлғамен.

Кўюнг ичра гар сақар бўлса мақар жаннатча бор,
Жаннат ўлса гар макон сенсиз не имкон бўлғамен.

* *

Баякногаҳ кузумга учраб ўтру,
Мени девона қилдинг, эй пари ру.

Жаҳонда ҳар кишига бор муроде,
Менинг йўқтур муродим сендин айру.

Магар уйқуда юзунг кўргай эрдим,
Вале, ҳажрингда кўздин учти уйқу.

Ики сочинг била юзунг қуёшин
Кечалар ёд этармен тонгга дегру.

Тараҳҳум айлаким, бечора Бобур,
Сенинг ишқингда бўлди зор асру.

* *

Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму?!
Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдиму?!

Мени хор эттию қилди муддаийни парвариш,
Даҳри дунпарварнинг ўзга муддаоси қолдиму?

Мени ўлтурди жафою жавр бирла ул қуёш,
Эмди тиргузмоқ удуи меҳру вафоси қолдиму?

Ошиқ ұлғач кўрдум ұлумни ўзумга, эй рафиқ,
Ўзга кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламини истар, қилма айб,
Тенгри учун де, бу оламнинг сафоси қолдиму?

* * *

То олғали кўнглумни ул юз била ул гису,
Кўндуз манга не ором, кеча манга не уйқу!

Ҳар ёнғаки азм этсам ёнимда борур меҳнат,
Ҳар сорики, юзлансам ўтрумға келур қайғу.

Юз жавру ситам кўрган, минг меҳнату ғам кўрган,
Осойише кам кўрган мендек яна бир борму?!

Ул юзи қуёш ҳажри, бу саъб бало дарди,
Кўнглумга урубдур ўт, ҳолимни қилибдур сув.

Ҳар нечаки муҳликдур, дардингни дема элга
Қим, йиғламоғинг, Бобур, бу элга дурур кулгу.

* * *

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзғорим ул қаро қошдин яна.

Мен худ ул тифли паривашға кўнгул бердим, вале,
Хонумоним ногаҳон бузулмағай бошдин яна.

Юз ямонлиғ кўруб ондин телба бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилиғни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Тош урар атфол мени, уйида фориг ул пари,
Телбалардек қичқирурмен ҳар замон тошдин яна.

Оёғим етганча Бобурдек кетар эрдим, нетай,
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

* * *

Кўзумда муттасил ул эгма қош керак бўлса,
Қошимда куз ёруғи ул қуёш керак бўлса.

Сужуд вақтида меҳроб бўлмасун ҳаргиз
Ки, бош қўярда ўшал эгма қош, керак бўлса.

Ҳабиб ишқида бошдин кеч, эй кўнгул, йуқ эса,
Бу йўлга қўйма оёқ санга бош керак бўлса.

Қўюб оёғига бош, сўрса лаълидин ҳар ким,
Бошига туфроқу оғзига тош, керак бўлса.

Сенинг била бори эл нохуш ўлса, эй Бобур,
Не бўлғуси санга ул ёри хуш керак бўлса?

* * *

Ким кўрар хуршидни ул моҳ сиймо бўлмаса?!
Ким сўрар шаккарни ул лаъли шакархо бўлмаса?!

Гул тикандур кўзларимга, ул юзи гулдин йироқ,
Сарв ўқдур бағрима ул сарви боло бўлмаса.

Жаннат ул-маъвони, эй зоҳид, нетай мен зорким,
Истарам кўйидин ўзга манга маъво бўлмаса.

Тиймағил девона кўнглумники, расво бўлма деб,
Ошиқ ўлғайму эди ул телба расво бўлмаса?!

Гар бошингни кессалар ишқида, эй Бобур, сенинг.
Ердин кўнглунг, керакким, ўзга қатъо бўлмаса.

* * *

Жонима ўт солди ул рухсорайи зебо яна,
Кўнглума ул зулф бўлди мойи савдо яна.

Кўрсатиб рухсору зулфин ул пари пайкар манга,
Жону кўнглумни қилибдур волаю шайдо яна.

Ер кўйидаги том сенсен менга пушту паноҳ,
Сояйи луфтунгни сол, чун санга келдим то яна.

Шодлиғнию фароғатни куюб, ошиқ бўлуб,
Меҳнату гамни қилиб мен ўзума пайдо яна.

Ёрға қулмен дегач, Бобурни расво айлади,
Тенгри мендек бандасини қилмасун расво яна.

*
* *

Улум уйқусиға бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Неким тақдир бўлса ул бўлур, таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча беҳуда.

Ўзунгни шод тутқил, ғам ема дунё учун зинҳор
Қи, бир дам ғам емакка арзимас дунёни фарсуда.

Замона аҳли ичра, эй кўнгул, оё топилгайму
Сенингдек дард паймою менингдек дард паймуда?

Улусдин тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзае, Бобур,
Магар ўлсам бу олам аҳлидин бўлгаймен осуда.

*
* *

Хатинг аро узоринг сабза ичинда лола,
Ул чашми пурхуморинг лоладағи ғазола.

Барча парилар, эй жон, гирдингда зору ҳайрон,
Гўё эрур намоён ой теграсида ҳола.

Меҳру вафони, эй ёр, кўп кўрди сендин ағёр,
Жавру жафони бисёр қилдинг манга ҳавола.

Ҳажрингда, эй парирў, кўзумдин учти уйқу,
Ҳар кеча тонгға дегру ишимдур оҳу нола.

Юз сафҳасинда хатлар ёшдинки, ҳар тараф бор
Ишқингда Бобур айлар бу навъ юз рисола.

*
* *

Ҳажр ултурди мени, англасам эрди мунча,
Дўстлар, ёрдин айрилмас эдим улгунча.

Зөҳида, дузах ўтидин мени не қурқутасен,
Ҳажр ўти қошинда кўрмасмен ани учқунча.

Ул қуёш меҳрини бир зарра манга кўргузмас,
Кавкаби ашк тўқуб, бўлсам агар гардунча.

Ҳусида ортуқ агар бўлса юзи Лайлидин,
Мен тақи бормен анинг ишқида юз Мажнунча.

Риндлар олида ҳайвон суйини кўп ўкасен,
Эй Хизр, борми экин ул сув майи гулгунча?

Бобуро, шеърингга гар солса қулоқ ул шоҳинг,
Бўлғусидур сўзунга қадр дурри макнунча.

*
* *
*

Қошию қаддию оғзин ул моҳ,
Кўрсатмаса манга найлайин, оҳ!

Туттум сочини юзун кўрай деб,
Тун узуну мен ғариби гумроҳ.

Қадди била икки зулфу оғзи,
Жонимга бало бўлубтур, оллоҳ!

Хоҳ иста кўнгулни, хоҳ қовла,
Чун сенсен бу кўнгулга диллоҳ.

Эл билмаса ҳолатим, билур ёр,
Ҳолимдин эрур худой огоҳ.

Кобул сори гар азимат этсанг,
Қурбон қилай ўзни санга, эй шоҳ!

Бобур, яна ўтлуқ оҳ чектинг,
Куйдурмасун элни оҳ ногоҳ!

*
* *
*

Хатинг парвона келтургач тирилди ушбу девона,
Ани тиргузмак учун гўйиё келтурди парвона.

Қуёштек юзунгу дурдек тишингнинг ҳажрида, эй жон,
Кузумнинг ёшидур юз қатраю ҳар қатра — дурдона.

Қадинг курсатмадинг бир тори сочингдин етар пинҳон,
Иноят тўғри гар йўқтур, не бўлди бўлса тўлғона?

Анинг усрук кўзидин борди чун диним уйи барбод,
Мену, эй дўстлар, мундин нари май бирла майхона.

Жамолинг шамъи хижрониди Бобур ўртаниб борди,
Қачон бошингдин эврулгай келиб парвонадек ёна?

*
* *
*

Бўлмадим умрумда бир дам хотири хуррам била,
Гар иликдин келса бир дамни кечурманг ғам била.

Неча бўлгай ёр ҳижронию даврон меҳнати,
Нақди умрум, оҳким, ўтди ғаму мотам била.

Зоҳир ўлгай ҳар нафас бир тун сочингнинг ҳажрида,
Ўтлуғ оҳим дуд янглиғ чиқса печу ҳам била.

Эй кўнгул, токим кўрубмен ул паридин илтифот,
Ихтилот этмак манга ёқмас бани одам била.

Қатъ этиб Бобур боридин, чун санга келтурди юз,
Бок эмас якрўй бўлса жумлаи олам била.

*
* *
*

Неча расво бўлғамен ишқ ичра шайдолиғ била?
Ҳеч киши кўрмай дурур ошиқ бу расволиғ била.

Ҳар нечаким туттум ўзни порсолиғ таврида,
Бўлдум охир шуҳраи офоқ шайдолиғ била.

Менки, ҳижронингда қон ютмоқ била муътодмен,
Манга йўқтур ҳеч нисбат айши саҳболиғ била.

Шайх шеърим манъ этар, етмай балоғат лутфиға,
Найлагай, ё раб, киши бу пири ноболиғ била?!

Бобури бедилни ишқи телбаратса не ажаб,
Чунки ҳаргиз рост келмас ишқ донолиғ била.

*
* *

Қачон бўлғай мушарраф бўлғамен, жоно, жамолингға?
Қутулғаймен фироқингдин, етишғаймен висолингға!

Кўз очқил боққаликим, бўлмишам бемор ул кўздин,
Лаб очқил сурғаликим, ташна бўлмишмен зилолингға.

Ул ойнинг юзи бирла тўш бўлуб даъвойи ҳусн этсанг,
Яқин бўлди буқунким, эй қуёш, еттинг заволингға.

Қабутар, элтасен хаттим, не бўлғай гар қабул этсанг,
Кўнгулни боғласам ул нома янглиғ парру болингға.

Белингдинким, хаёлийдур йироқдурмен, мени ёд эт, -
Умидим борки Бобурдин етишғаймен хаёлингға.

*
* *

Соқий эрур ишрат чоғи, афсурда бўлма дай била,
Ўттек чоғир келтур, дағи, суҳбат тутошур май била.

Келтур шароби нобни, омода қила асбобни,
Хуш тут шаби маҳтобни чун бордур ул ой била.

Даврон гамин барбод қил, ишрат уйин обод қил,
Жону кўнгулни шод қил овози чангу най била.

Мажлисда бордур сар-басар май нашъасидин шўру
шаръ,
Борини масту беҳабар қил жоми пайдарпай била.

Ҳамдard ёре қониким, бир гамгусоре қониким,
Абри баҳори қониким, Бобур киби йиғлай била.

*
* *

Улки йиллар-ойлар ўтқарғай гаму мотам била.
Шоду хуррам бўлмағай наврўз ила байрам била

Улки давроннинг аёғидин дамо-дам қон ютар,
Нашъа топмас гар ичар ҳар давр жоми Жам била.

Дема, эй ҳамдам, диёру ёр сўзунким, менинг
Улфатим йуқ олам аҳли бирла, бал, олам била.

Сендин айру найлагаймен, ийд ила наврузни,
Ойу йил хуштур сенинг бирла агар бўлсам била.

Тортиб афгон, оҳ уруб ҳижронда, Бобур, йиғласанг,
Навҳа тузгай базми ғам аҳли бу зеру бам била.

*
* *
*

Гурбатға солди чарх мени юз жафо била,
Ед айла мен ғарибни гоҳи дуо била.

Беҳад вафою меҳр санга курсатиб этдим,
Сен ҳам соғинғасен мени меҳру вафо била?

Чун қилди мени ул бути Чин зору мубтало,
Ишим менинг қолибтурур эмди худо била.

Кўрмон фараҳни бир дам агар андин айру мен,
Билмон аламини, бормен анинг бирла то била.

Ул сарвға карам қилибон еткур, эй сабо,
Бобур ниёзини ер упуб хуб адо била.

* *

Хуш улким ёрдин қатъ айлабон, тарки днёр этса,
Жаҳон кезмак ила беқайдлиғни ихтиёр этса.

Анингдек бўлсаким, асло тафовут бўлмаса пайдо,
Агар бу даҳри дун хор айласа, гар эътибор этса.

Жафодур жонға булмоғлиғ муқайяд олам аҳлиға,
Хуш ул озодаким, элнинг аросидин канор этса.

Кишининг жонига душман, балодур бошиға бу эл,
Агар бошин туфайл айлаб ва гар жонин нисор этса.

Диёру ёрдин Бобур жафою жавр кўп кўрди,
Хуш улким ёрдин қатъ айлабон тарки диёр этса.

* * *

Улки, манга ёри дилнавоз кўрунди,
Жаврни кўрсатти кўпу оз кўрунди.

Бўлди бошим паст пойбўсида охир,
Гарчи бурун асру сарафроз кўрунди.

Сенинг учун улки бош ўйнамади ҳеч,
Санга ажойибки, ишқбоз кўрунди.

Ишқ борида салоҳу тавбаю тақво
Борчаси, таҳқиқ бил, мажоз кўрунди.

Душмани жон ўлди, не қилай, санга, Бобур,
Улки манга ёри дилнавоз кўрунди.

* * *

Не чаманда савр бор ул қомати раъно киби,
Не гулистон ичра гул бор ул рухи зебо киби.

Не жафо таврида бор дунёда ул бемехрдек,
Не вафо бобида бор оламда мен шайдо киби.

Донаи холи Масиҳосо лабиннинг устида
Нотавон жонимға бўлди мояи савдо киби.

Айласам кўйида маъво, найлайин жаннатниким,
Бор манга ул ҳур кўйи жаннат ул-маъво киби.

Базм аро, эй дўстлар, не майки, қон ичмак дурур,
Соқийи гар бўлмаса ул шўхи базморо киби.

Минса абраш ул қуёш куймай нетайким, Бобуро,
Мени куйдурмакка елдур маркаб, ўтдур — рокиби.

* * *

Қади шоҳи гулдек нигорим қани?
Лаби гунчадек гулӯзорим қани?

Не тонг, юз нигор ўлса қон ёш била
Ки, ул юзи гул ёш нигорим қани?

Қаро кечаларда кўзум ёрутур,
Ушал шамъи шабҳон торим қани?

Ярим кечалар келур эрди бурун,
Бу тун келмади, оҳ ёрим қани?

Деманг, тарки ишқини қил ихтиёр,
Бу ишда менинг ихтиёрим қани?

Фироқингда кўнглумни қон айласанг,
Санга бўлғай ул беқарорим қани?

* * *

Шоми ҳижронини манга ул бевафо кўрсатмағай,
Ҳажр шоми асру муҳликдур, худо кўрсатмағай!

Ваъда айлаб васл, кўрсатгай неча жонимга ҳажр,
Неча кўнглумга жафо қилгай, вафо кўрсатмағай?

Ул қаро кўз ҳажрида тундек қарорди кундузум,
Ё раб, андоқ кунни ул кўзи қаро кўрсатмағай!

Очмағай кўзини то сўкмакка оғзин очмағай,
Юзуни кўрсатмағай то юз жафо кўрсатмағай.

Ишқ истар бўлса мажнун айлагай пайравлиғим,
Йўлни не билгай киши то раҳнамо кўрсатмағай!?

Учқутекдур жон қуши ҳижронда Бобур оҳидин,
Кел пари таъжил ила жоним ҳаво кўрсатмағай.

* * *

Юз кўрсатиб ўлтурурсен, эй ой,
Йўқ сен киби худнамою худрой.

Қаддинг «алифу» қошинг эрур «ё»,
Десам не ажаб агар сени ой?

Ҳам лола — юзунг қошида беранг,
Ҳам сарв қаддинг борида бепой.

Уқунг юрагимда жо қилибдур,
Тортиб яна уқни қилма бежой.

Сендин манга юз ҳазор ҳасрат,
Сендин манга борму ҳеч парвой?

Ул ёр агар ёшурса юз, оҳ,
Агёрга гар кўрунса — юз вой.

Кулмас манга субҳи васл, Бобур,
Ҳар нечаки шоми ҳажр йиғлой.

* * *

Ғунчадек кўнглум менинг гулзор майли қилмағай,
Ғам била бутган кўнгул гулгашт ила очилмағай.

Ранга-ранга гулларингни, боғбон, раз этмаким,
Таҳ-батаҳ қонлик кўнгул гул орзусин қилмағай.

Йуқтур улким гул юзунгдин айру боқсам гул сари,
Ғунча янглиғ кўнглума юз хори ғам санчилмағай.

Оразу қаддингни таъриф этсалар юз йил, ҳануз,
Эй юзи гул сарвқад, юздин бири айтилмағай.

Сендин айрилдим эса бўлди насибим хори ғам,
Сендин, эй гул, эмди Бобур бир замон айрилмағай.

* * *

Ғаҳи соғин, не бўлди, зорларни,
Унутмағил бурунги ёрларни.

Сени кўрмай, йироқдин зор бўлдум,
Бирор ёд эт йироқдин зорларни.

Юзунгдин айру мен хор, эй азизим.
Киши гулдин айирмас хорларни.

Кўзунг беморимен, мендин юмуб кўз,
Яна оғритмагил беморларни.

Санга бир йўл етар фикридадурмен,
Унутма бир йўли афгорларни.

Санга кўнглумни олдурдум, жаҳонда
Кўрубмен гарчи кўп дилдорларни.

Сиҳи қадларга, Бобур, ошиқ ўлсанг,
Бурунроқ кўзлагайсен дорларни.

*
* * *

Е қошинг янглиғ эгилган жисми зоримниму дей?
Е сочингдек тийра бўлгон рўзгоримниму дей?

Кундуз ўлса, тунгача айтайму бепоён ғамим,
Кеча булса, тонгга дегру ҳоли зоримниму дей?

Ҳажри қотил бирла кўнглум ҳолатинму шарҳ этай,
Дарди муҳлик ичра жони беқароримниму дей?

Телбаю мадҳушу бехуд дема ким қилди сени,
Лаъли майгун, сўзи мул, кўзи ҳуморимниму дей?

Бобур, ул ойнинг қуёшдек орази ҳижрониди
Тонгга дегру ҳар кеча юлдуз саноримниму дей?

*
* * *

Зухд кетти эса қарам қилди,
Ишқ келдию муҳтарам қилди.

Ул «алиф» бўйлуқ ойнинг ишқи,
Мени олам аро алам қилди.

Кўзию зулфу оғзи фурқатида,
Фалак охир мени адам қилди.

Кўнглум ўртанди ҳардам оҳимдин,
Магар ул ел бу ўтни дам қилди.

Қоши ёлар жафосидин бу чарх
Менинг отимга-ўқ рақам қилди.

Чанги ғамдин қутулмади Бобур,
Нечаким, нола зеру бам қилди.

*
* *

Кўрмагай эрдим жамоли олам аро, кошки,
Бўлмагай эрдим бори оламга расво, кошки.

Ишқ боғининг ниҳоли ғам, бари ҳирмон эмиш,
Қилмагай эрдим бу гулшанни тамошо, кошки.

Қилмагай эрди кўнгул ишқин ҳавас, бал, тилга ҳам
Кечмагай эрди анингдек лафз асло, кошки.

Қоши ёлар кўйида умри шариф этгунча сарф,
Қилгай эрдим масжиду меҳроб аро жо, кошки.

Ихтиёр эт ўзга иш, Бобурки, ҳосил бўлмагай
Ишқу васлу айш ила ишратдин илло, кошки.

*
* *

Ёз бўлдию бўлди яна жаннат киби ёзи,
Хуш ул кишиким, айш ила ўтгай қишу ёзи.

Дутора уни айшу фароғатни берур ёд,
Мутрибга қулоқ тутки, не дер нағмада сози.

Чун қиблам эрур ёр, қилай қошида сажда,
Носиҳ сўзини найлай, эмас сўзи намози.

Бу телбаю мадҳуш дилу жонга не хушдур,
Гаҳ қаҳру итоби била, гаҳ ишваю нози.

Тут муғтанам ул ёрни, Бобурки, жаҳонда
Маҳмуд ким эрди, не киши эрди Аёзи?

* * *

Деманг ўқини танимға балон жон келди,
Ҳаётсиз баданимға ўқи равон келди.

Ҳаёт суйини қўйким, лабидин олдим ком,
Бор, эй Хизрки, манга умри жовидон келди.

Сипеҳри кўйини кўк эврулур келиб ҳар кун,
Не ер дурур буки, рифъатдин осмон келди.

Хуш улки бир киши кўзум йўлида эрканда,
«Севиичи!»—деб югуруб етсаким:—«фалон келди!»

Фироқ аро ўларимда етишти ул жонон,
Худога шукр қилайким, ўлар замон келди.

Адам йўлиға кўнгул кирди ишқ доғи била,
Бу йўлдин ўтмади ҳар кимки бенишон келди.

Фароғат истар эсанг бул жариди, эй Бобур
Ки, жону танға ғаму ғусса хонумон келди.

* * *

Бошда гар йўқтур жалолат гавҳаридин афсаре,
Ёнима басдур мазаллат туфроғидин бистаре.

Киргали кўксум аро кўнглум ишим куймак дурур,
Мен нечук куймайки, кўксум ичра бордур ахгаре.

Сабру ҳушу ақлу динимни олибдур, найлайн,
Сарв қадде, гул рухе, райҳон хате, насрин बारे.

Қирпикидек ханжарин эл кўксига кўрган замон,
Кўзума ҳар қирпикидин, ё рабки, қилғил ханжаре.

Абрашини елдуруб етгач йиқилдим, дўстлар,
Оҳким, умрум дарахтини йиқитти сарсаре.

Ганжи ҳуснида кўрунг зулфи била гулгунасин,
Гўйиё ўт солди ҳар ён ганж узра аждаре.

Ҳажр шомидин менинг қон ютмоғимни ёд этинг,
Чексангиз ул нозанин бирла сабуҳий соғаре.

Ҳар нечукдур умрни, Бобур, хуш уткармак керак,
Ким, бу беш кун умр ғамгин бўлғали қилмас гари.

* * *

Биҳамдиллаҳки, ул гулда вафодин бор эмиш бую,
Жафо таркин қилур эрмиш яна турки жафожуе.

Қадам ранжа қилиб бошимға келгайму дебон ул ой,
Тутубмен пойи девори, қилиб маскан сари кўйи.

Сочинг белингдаю белинг доғи сочинг киби борик
Латофат ичра йўқ фарқи бу иккиннинг сари мўйи.

Муяссар бўлса билгилким, бори оламдин ортуқдур,
Кабобию майи нобию маҳтобию маҳруйи.

Эшиттим илтифот айлаб, демишсен; «Ким дурур Бобур?»
Фақири, номуроди, бесарупойи, дуоғўйи.

* * *

Туно кун бирла бу тун мажлиси асру хуш эди,
Мажлис аҳли бори дилҳоҳу бори дилкаш эди.

Борининг сўзи эди хўбу латифу рангин,
Не паришону не бемаънию не чирмаш эди.

Яхши май йўқ эдию нашъаи май яхши эди.
Нохуш эл йўқ эдию асру ҳавойи хуш эди.

Бори аҳбоб эди ҳозир, бори асбоб эди жамъ,
Созу хонанда била нуқлу май беғаш эди.

Гоҳ пурханда эди эл, баса, сархушлуқтин,
Мастлиғдин яна гоҳ эл кўзи тула ёш эди.

Барча таъзим қилиб бир-бирини мастона,
Гоҳ бошта оёқ эрди, гоҳ оёқда бош эди.

Тун ярмиғача бу навъ эдию ондин сунг
Мажлис аҳлининг иши ҳар сориға тарқаш эди.

Мен иликдин бориб эрдим, тутуб илгимни биров
Мени уйғотди, күз очтим эса, ул маҳваш эди.

Тортиб илгини, қучуб бўйнини, оғзини ўпуб,
Тонггача ўйнамоқ иш эрди, не хуш ўйнаш эди.

Бобур ар ҳарза деди, мажлис эли, айб этманг,
Карам айланг, ани маъзур тутунг, сархуш эди.

*
* *
*

Ез фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.

Ез фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли ёр,
Ул замон бўлғай унут юз йилги ҳижрон шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси шеър,
То билинғай ҳар кишининг таъби бирла ҳолати.

Гар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч вақт ила,
Мундин ортук бўлмағай, Бобур, жаҳоннинг ишрати.

*
* *
*

Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр не бўлди?
Ул лутф ила эҳсон қани, эй ёр, не бўлди?

Кеттим мени ҳайрон эшигингдин, демадинг ҳеч:
«Ул телбаи ҳайрон қани, эй ёр, не бўлди?»

Юз курсатибон эл ичида лутф этар эрдинг,
«Ул лутфи намоён қани, эй ёр, не бўлди.»

Сенинг сари бори кунгул истаб топа олмон
Сенинг сари боргон қани, эй ёр не бўлди?

Жонимға даво сузунг эди, сузламадинг, оҳ,
Жон дардиға дармон қани, эй ёр, не бўлди?

Мундоқму эди аҳди, Бобурни унуттунг,
Ул аҳд ила паймон қани, эй ёр, не бўлди?

* * *

Шукрилиллаҳ, айш юзландию меҳнат қолмади,
Етти айёми висолу шомн фурқат қолмади.

Юзланиб амну фароғат, ғуссаю ғам бўлди дафъ,
Айшу ишрат келдию ранжу машаққат қолмади.

Меҳнати ҳижронки, ондин чок-чок эрди кунгул,
Булди роҳатқа мубаддал, ул жароҳат қолмади.

Муртафеъ бўлғонда ҳижрон кел, таваққуф қилмаким,
Интизорингни чекарга ўзга тоқат қолмади.

Васлингга еткурди даврон оқибат Бобурни, шукр,
Эмди даврондин манга асло шикоят қолмади.

* * *

Яна бир кўз ғамидин хаста кўрармен ўзни,
Яна бир зулфга вобаста кўрармен ўзни.

Лабининг ҳасратида зор топармен жонни,
Кузининг фурқатида хаста кўрармен ўзни.

Кўзидин ул қоши ё гарчи мени солди йироқ,
Лек, ул ой қошида пайваста кўрармен ўзни.

Зулфи занжирига то бўлди кунгул вобаста,
Шукр, Бобур киби вораста кўрармен ўзни.

* * *

Ҳабиб бўлса эди ё рақиб ўлса эди.
Рақиб ўлса эди ё ҳабиб бўлса эди.

Кунгулга меҳнату ғам ҳар не бўлса эди
Ки, борча қотилиб ғайрдин қутулса эди.

Фироқ шаҳрида бўлғунча, кош қўюнгда.

¹ Мисра ва мақтаъ байт йўқолган.

МАСНУЪ

Тишинг — дурр, лабинг — маржон, ҳадинг — гул,
хатинг — райҳон
Юзунг — ҳур, сочинг — анбар, сўзунг — мул,
менгинг — мийнон.

Мийнон менгинг, сўзунг — мул, анбар сочинг, юзунг —
ҳур.
Райҳон хатинг, хадинг — гул, маржон лабинг, тишинг —
дурр.

Тафоҳур кўзум, кўнглум қилурлар, магар, бордур,
Кўзунгга кўнгул вола, юзунгга кўзум ҳайрон.

Ҳайрон кўзум юзунгга, вола кўнгул кўзунгга,
Бордур, магар, қилурлар кўнглум, кўзум тафоҳур.

Тафаккур неча қилсам топилмас сенинг мислинг,
Паридек сени кўрдум — эмассен, магар, инсон.

Инсон, магар, эмассен, кўрдум сени паридек,
Мислинг сенинг топилмас қилсам неча тафаккур.

Балодур манга ҳажринг, даводур манга васлинг,
Итобинг манга офат, ҳадисинг манга дармон.

Дармон манга ҳадисинг, офат манга итобинг,
Васлинг манга даводур, ҳажринг манга балодур.

Бобур чу санга қулдур, назар қил анга зинҳор,
Топилмас яна бир қул онингдек, санга, эй жон.

Эй жон, санга онингдек бир қул яна топилмас,
Зинҳор анга назар қил — қулдур санга чу Бобур.

РУБОЙЛАР

1

Жоно, битигингки, булди марқум манга,
 Меҳнат била майни қилди маъдум манга.
 Кўргач ани гарчи шод беҳад булдум,
 Мазмуни, вале, булмади маълум манга.

2

Не ишрату айш учун майи ноб манга,
 Не тоат учун гушаи меҳроб манга,
 Не фисқ қилурға бордур асбоб манга.
 Не зоҳид ўлурға тоқату тоб манга.

3

То бўлғали дилдор ушал ой манга,
 Ҳолимни билиб қилмади парвой манга.
 Мен асру харобу ёр кўп мустағний,
 Эй вой манга, вой манга, вой манга!

4

Хуш улки, кўзум тушти сенинг кузунгга,
 Бевосита ҳолимни десам узунгга,
 Бермай сузума жавоб ачиғланасен,
 Қилдинг мени муҳтож чучук сузунгга.

5

Асру кўп эмиш журъату ҳиммат сизга,
 Рўзий қилғай худой нусрат сизга,
 Мардоналигингизни бори эл билди,
 Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга!

6

То қилди мени фироқ аро ёд ҳабиб,
 Маҳжур кунгулни айлади шод ҳабиб.

Гар васл муяссар улмаса, нетай, эй Бобур,
Фарёд ҳабибу оҳу фарёд ҳабиб!

7

Эй қомати сарву лаблари оби ҳаёт,
Будур тилагимки,— етқамен васлингга бот!
Ҳажрингда манга не сабр қолди, не сабот,
Е кел бу сориға ё мени узунгга қот!

8

Бу қозийи фосиққи, йибордим санга бот,
Сен доғи узатқил боту ҳам бадарқа қот!
Гар хотиринг истаса йиборгил савғот:
Маъжуну шаробу оби норанжу набот.

9

Келди рамазону мен тақи бодапараст,
Ийд улдию зикри май қилурмен пайваст,
Не рузаю не намоз йиллар, ойлар;
Тун-кун маю маъжун била девонаю маст.

10

Бўлдум мен ошуфтаи ҳайрон мардуд,
Қилғил мададики, бўлди имкон нобуд.
Дунё била уқбода ружувим сангадур,
Эй икки жаҳонни шаҳи Султон Маҳмуд!

11

Мутрибки, унини ҳар киши гўш қилур,
Жон бирла кўнгулни зору мадҳуш қилур.
Мақсуд недурки, элни ёд этганда,
Ул доирада бизни фаромуш қилур?

12

Душманники, бу даҳр забардаст қилур,
Нахват майидин бирнеча кун маст қилур.
Ғам емаки, еткурса бошини кўкка,
Охир яна ер киби они паст қилур.

13

Кўзунг бори соғларни маст этгусидур,
Ғамзанг бори мастларни паст этгусидур.

Кўп зоҳиду порсони Бобур янглиф
Лаълинг ҳаваси бодапараст этгусидур.

14

Ишлар бори кўнгулдагидек бўлгусидур!
Инъому вазифа — бори буйрулгусидур!
Ул галлаю маҳмилки, деб эрдинг, билдим,
Маҳмилга бую галладин уй тулгусидур!

15

Ҳар кимки, вафо қилса — вафо топқусидур!
Ҳар кимки, жафо қилса — жафо топқусидур!
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки, ёмон бўлса — жазо топқусидур!

16

Бу телба кўнгулки, ишқ анинг судидур,
Аҳбобнинг ихтилоти мақсудидур.
Ҳижрон чекиб аҳбобни ҳар кимки, кўрар,
Ҳуш давлатию толеи масъудидур.

17

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин
Қим, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур?!

18

Жисмимда иситма кунда маҳкам бўладур,
Кўздин учадур уйқу чу оқшом бўладур.
Ҳар иккаласи ғамим била сабримдек,
Борғон сори бу ортадур, ул кам бўладур.

19

Е раб, менда не яхши толеъ бордур
Қим, бахти мутиъю ёри тобеъ бордур.
Маъзур тут ар васлингга кечроқ етсам,
Не чора қилай озғина монеъ бордур.

20

Хотирни баҳор фаслида гашт оладур,
Кўз нуруни ранги лолаю дашт оладур.

Хуш улки, толаларда юруб сайр этса,
Бу фаслдаким, латифу дилкаш толадур!

21

Эйким, қуёш ул юзунг, ҳилол ул қоштур!
Пўлоддур кунглулгу бағринг тоштур!
Номамға агар яхши жавобинг йўқтур,
Сўкмак била ёд айласанг ҳам хуштур!

22

Ҳажри аро орому қарорим йўқтур,
Васлиға етарга ихтиёрим йўқтур.
Кимга очайин розки, йўқ маҳрами роз,
Ғам кимга дейинки, ғамгусорим йўқтур.

23

Улким, анга нлм пчра ғолиб йўқтур,
Дерларким, бери келурға роғиб йўқтур.
Дедимки, бу сўз рост эмастур, негаким,
Толибни тилар андаки, толиб йўқтур.

24

Туз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Юз оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!
Сарриштаи айшдин кунгулни зинҳор
Уз, оҳ, Заҳириддин Муҳаммад Бобур!

25

Қайғунгни чека-чека қорибдур Бобур,
Раҳм айлаки, узидин борибдур Бобур.
Норанж йиборди сенгаки, билгайсен,
Яъники, бу навъ сарғорибдур Бобур.

26

Бобур, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар.
То даҳр дурур будур анинг расмиким,
Ойриб кишини азизидин хор айлар.

27

Қиш бўлдию бўлди борча тому тош қор,
 Жамъияти бор кишига бордур хуш қор.
 Бу қишда ёмон йўлу паришон ҳолим,
 Ё раб, мени яхшилиқ сори бошқор!

28

Арбоби ҳасад сўзига буттунг, ўхшар,
 Бегоналиғ атворини туттунг, ўхшар.
 Бир доғи соғинмадинг бу фурсатда мени,
 Мен хастани, эй ёр, унуттунг, ўхшар.

29

Васлингга кўнгул қиёссиз толибдур,
 Ҳажринг аро ихтиёрсиз қолибдур.
 Муштоқлиғим шарҳини дей олмасмен,
 Дийдорингга иштиёқ кўп қолибдур.

30

Эй боди сабо, айла Хуросонға гузар,
 Мендин дегил ул ёри паришонға хабар.
 Неча сафар ўз кўнглунг учун қилгайсен
 Эмди бизинг учун айла бу ёнға сафар.

31

Кўпдин бериким, ёру диёрим йўқтур,
 Бир лаҳзаю бир нафас қарорим йўқтур.
 Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
 Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

32

Қиш гарчи замони манқалу оташдур,
 Лекин бу шито Ҳиндда кўп дилкашдур.
 Ҳангомун нишоту бодаи беғашдур,
 Май бўлмаса маъжун доғи бўлса хушдур.

Аҳбобки, базмида гулистон хасдур,
 Йуқ лек алар базмида бизга дастур.
 Гар сизда ҳузур бирла жамъият бор,
 Юз шукр, бу жамъ беҳузур эрмасдур.

Юз шукр де, Бобурки, карими гаффор,
 Берди санга Синду Ҳинду мулки бисёр.
 Иссиқлиғига гар сенга йуқтур тоқат,
 Совуқ юзини кўрай десанг Ғазни бор.

Кўнглумда ўту икки кўзумда судур.
 Мен хастага раҳм қилки, ҳолим будур.
 Ғам кундузию фироқ шоми янглиғ,
 Тун-кун менга не қарору не уйқудур.

Бу ёғлиғким, «Боғи жаҳон» чоғлиқдур,
 Жон риштаси ҳар риштасига боғлиқдур.
 Тан тори юзум олтунидекдур сенсиз,
 Кўр ул иккидин намуна бу ёғлиқдур.

Жисмимда иситма тобидин оташдур,
 Жонимга балою ғусса бебаркашдур.
 Кўп дард ила ғамдин манга нохушлуқ эди,
 Сен сўрғали, эй ҳабиб, кўнглум хушдур.

Девонима не рабту не тартиб дурур,
 Не жадвалу не лавҳу не тазҳиб дурур.
 Гар санга йнбордим ани, айб айламаким,
 Девонингни тиларга тақриб дурур.

Эй құрғон эли, қолдиму дармонларингиз?
 Чиқмай, недурур бу жаҳл қилғонларингиз?
 Жондек кишилар очлиғидин чун чиқадур,
 Сиз чиқмасангиз — чиқса керак жонларингиз!

40

Ахбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз!
 Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз!
 Чун гардиши чарх бу дурур, тангри учун,
 Бир-бирни неча кун ғанимат тутунгиз!

41

Ҳажринг ғамидин оқибат улғум, қаро кўз,
 Юз ғуссаю андуҳ ила борғум, қаро кўз.
 Васлинг била қилмадинг иложин, Бобур,
 Мушқилки, фироқингда тирилғум, қаро кўз.

42

Озор ила неча гуфтуғу қилғайсиз?
 Озурда бўлурни жустужу қилғайсиз.
 Мунчаки, кўнгулларга етишти озор,
 Май бирла магарки шустушу қилғайсиз?

43

Ҳаммомки, то маскани жонона эмиш,
 Анда парилар ҳусниға девона эмиш.
 Ул худ паридур, борча мулозимлари ҳам,
 Алқиссаки: ҳаммом парихона эмиш!

44

Ҳусн аҳлиға зору мубтало кўз эрмиш,
 Жоним била кўнглумга бало кўз эрмиш.
 Фаҳм айладим эмди, Бобуро, ишқ ичра
 Кўзумни қорортқон қаро кўз эрмиш.

45

Ҳар ҳазки, халойиқ андин айрилмас эмиш,
 Ул ҳаз мазасию қадрини билмас эмиш.

Маъжуну баситу бузаю лутики,
Бир журъа чоғир дурди ишин қилмас эмиш.

46

Бу хаста кунгул эрди висолинг била хуш,
Жоним ҳам эрур сенинг жамолинг била хуш.
Ҳижрон ғами гарчи асру нохуштур, лек,
Фикринг била шодмен, хаёлинг била — хуш.

47

Чун борди худой раҳматиға ул ёш,
Не фойда тукмак ғами ҳижронида ёш.
Ул ёш ғами ҳижронида куп ёш туктунг.
Бир ёшинг учун худой берсун юз ёш!

48

Гар водийи ҳажринг аро булдум ноқис,
Айб айламаким, ҳодисаедур ҳодис.
Қавми ажаби чоғирға қилди тарғиб,
Амри ажаби ҳажрға булди боис.

49

Эйким, бори шеър аҳлиға сен хон янглиғ!
Шеъринг бори шеърларға султон янглиғ!
Мазмуни анинг хатти саводий ичра,
Зулмат аросида оби ҳайвон янглиғ!

50

Не ёр вафо қилғуси охир, не ҳариф,
Не сайфу шито қолғуси боқий, не ҳариф.
Юз ҳайфки, зоеъ утадур умри азиз,
Афсуски, ботил борадур умри шариф.

51

Улфат тутай, ар бор эса таълифи шариф,
Инсоф берай, гар улса таснифи шариф.
Маъруф дурур эл ичра таърифи шариф,
Булғай шарафим кетурса ташрифи шариф.

52

Андин бериким, қасдим учун турди фироқ,
 Юз дарду аламни манга еткурди фироқ.
 Мени эшикингизддин, нетайин, сурди фироқ.
 Қил чора, йўқ эрса ўлтурди фироқ.

53

Май таркини қилғали эрурмен ғамлиқ,
 Бор тийра кўнгулга ҳар замон дарҳамлиқ.
 Ғам бирла фарсудалиқ ҳалок этти мени.
 Май бирла эмиш шодлиғу ҳуррамлиқ.

54

Олудан юз туман маосий бўлмоқ,
 Юз ранжу туман азоб хоси бўлмоқ.
 Кўп яхши экин аҳли хираднинг қошида
 Ким, оғритибон атони осий бўлмоқ.

55

Қим бор анга илм толиби — илм керак.
 Ургангани илм толиби илм керак!
 Мен толиби илму толиби илме йўқ,
 Мен бормен илм толиби — илм керак.

56

Юзунг била лабларинг эрур гулу мулдек
 Балким, юзунг олида эрур гул қулдек.
 Бобур киб ишқдин дам урмайдур эдим,
 Эй гул, мени ишқинг айлади булбулдек.

57

Бобурни бурун маҳрами асрор эттинг,
 Васлингга бериб йўл, ўзунга ёр эттинг.
 Охир бординг, доғи они зор эттинг.
 Ҳижрон алами бирла гирифтор эттинг.

58

Лутф эттингу кўнгул била жон ўргаттинг,
 Васлинг била жону жаҳон ўргаттинг,
 Бу қотла ёмонроқ ўлса ҳолим сенсиз,
 Айб айламагайсенки, ёмон ўргаттинг.

59

Хатинг била кўнглакинки, ирсол эттинг,
 Қайғу била меҳнатимни помол эттинг.
 Ул хат била хотиримни хурсанд айлаб,
 Бу кўнглак ила кўнгулни хушҳол эттинг.

60

Кўз шаъмини ёрутқали маҳваш келдинг,
 Сабр уйини куйдурғали оташ келдинг,
 Қилдинг мени келганинг била миннатдор,
 Раҳмат сенга, яхши келдингу хуш келдинг!

61

Сенсиз неча ғам бирла малоли кўралинг,
 Ҳажринг неча булғуси, висоли кўралинг.
 Ҳажрингда неча хаёл ила ўтқаралинг,
 Лутф айлаю келгилки, жамоли кўралинг.

62

Эйким, ясабон юзунгни хуршид эттинг,
 Фурқат аламини жонга жовид эттинг.
 Мен сени дедим, сен ўзгани қилдинг ёд,
 Навмид ўлғил,— чун мени навмид эттинг.

63

Ётларни, керакки, ошно кам қилсанг,
 Ҳар кимки, вафо қилса — жафо кам қилсанг.
 Навмид бўлур борча вафодорларинг
 Гар шоҳ назаринг бирла вафо кам қилсанг.

Ҳижрон аро ёд этиб мени шод эттинг,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод эттинг.
Не лутф эди, дей, ҳури паризод эттинг,
Гўёки бузуқ Каъбани обод эттинг!

Ҳар ерда гул бўлса — тикон бўлса, не тонг?!
Ҳар қандаки май дурдидан бўлса, не тонг?!
Шеъримда агар ҳазл, агар жид, кечурунг,
Яхши борида агар ёмон бўлса, не тонг?!

Ҳижрон ғамидин неча шикоят қилолинг,
Кел-келки, висолдин ҳикоят қилолинг,
Тенгри ҳақи, бизни деб агар сен келсанг,
Кўнглунгдагидек лутфу иноят қилолинг.

Кел-келки, дами ултурубон май ичолинг,
Дунё ғамию ранжидин замоне кечолинг.
Чун айшу нишот лашкари саф тузди,
Эй меҳнату ғусса хайли, сизлар бежолинг!

Кўрдунг, доғи кўзунгга гирифтор эттинг,
Сўрдунг, доғи сўзунга гирифтор эттинг.
Бу табъу камолинг била ўз бошинг учун,
Бошдин мени ўзунгга гирифтор эттинг.

Эй ёр, ҳазин кўнглумни ёд айламадинг,
Меҳрингни кам айладинг — зиёд айламадинг.
Ё менда гунаҳ бордур унуттунг ё сен,
Оё, не жиҳат дурурки ёд айламадинг.

Ё қаҳру ғазаб бирла мени туфроқ қил!
 Ё баҳри иноятингда мустағроқ қил!
 Ё раб, сенгадур юзум қаро гар оқ қил,
 Ҳар навъ сенинг ризонг эрур андоқ қил!

Ноз уйқусидин бирор замон ойилғил!
 Гулдек кулуб, эй ғунча даҳан, очилғил!
 Кўнглумни иликларинг чолиб чанг, эй ёр,
 Чангингдадур кўнгул навозиш қилғил!

Доим соғиниб кўнгулни ол, хуш қолғил!
 Раҳмат назарини менга сол, хуш қолғил!
 Нохуш эди буки, мен ёмон бордим, лек,
 Сен лолаузур, яхши қол, хуш қолғил!

Эй ел, бориб аҳбобқа номимни дегил!
 Ҳар ким мени билса бу паёмимни дегил!
 Мендин демагил гар унутулғон бўлсам,
 Ҳар кимки, мени сўрса, саломимни дегил!

Наққош, менинг ҳолима тадбир этгил,
 Бир ёғлиғ аро кашида таҳрир этгил.
 Ул сафҳада мен хаёл қилғон янглиғ,
 Ул ёрға мушкилимни тақрир қилғил.

То қилғали зикр табъ номини кўнгул,
 Вирд айлади табъ аҳли каломини кўнгул.
 То ҳажр ғаму меҳнати таскин топқай,
 Истайдурур аҳбоб каломини кўнгул.

Ғавғода май иртикоб қилмоқ мушкил,
 Жонға куч ила азоб қилмоқ мушкил.
 Бұлмай доғи маст хоб қилмоқ мушкил,
 Аҳбобдин ижтиноб қилмоқ мушкил.

Эй ёр, сенинг васлингга етмак мушкил,
 Фархунда ҳадисингни эшитмак мушкил.
 Ишқингни доғи бир тараф этмак мушкил,
 Бошни олибон бир сари кетмак мушкил.

То водии ҳажрингда қилибмен манзил,
 Суврат била гарчи айрумен мен бедил.
 Валлаҳки, эй ёр, сенинг ёдингдин,
 Бир лаҳзаю бир замон эмасмен гофил.

Жониға етишти тузу тоғ бирла кўнгул,
 Дардини тугатмас иситмоғ бирла кўнгул.
 Ғурбатда оёқ бирла бадан етмасдек,
 Юз шукрки, тинчдур қулоғ бирла кўнгул.

Як сон караминг қошида мудбиру муқбил,
 Осон сенинг олингга жамиъ мушкил.
 Ё лутфу иноят онча қилким, кўтарай.
 Ё қаҳру ғазабни тоқатим борича қил.

Юз ҳамд ангаким, ҳамдин анинг аҳли мақол,
 Юз йил десалар тугатмак амри маҳол.
 Васфида хирад ожиз эрур нотиқа — лол,
 Не навъ сифат айлай они жалла жалол.

Аъзою жавориҳингни ҳозир қилғил,
 Жон бирла кўнгул ҳозиру нозир қилғил.
 Ҳар лаҳза бир андишаю бир фикрни қўй,
 Андишаю фикрингни борин бир қил.

Кузунгдин эрур, наззора қил, хасталиғим,
 Қошингдин эрур ғам била пайвасталиғим.
 Бошимни олиб кетгай эдим юз қотла,
 Бўлмаса эди сочингға дилбасталиғим.

Сенинг била менки, ошнолиғ қилдим,
 Ишқингни ҳазин жонға балолиғ қилдим.
 Кўрмай-билмай мени вафосиз дебсен,
 Мен сенга не навъ бевафолиғ қилдим?

Кўнглум тилаги висол эмиштук, билдим,
 Ул васл доғи маҳол эмиштук, билдим.
 Ҳар қандаки бўлса меҳрибондур, дер эрдим,
 Ул доғи ғалат хаёл эмиштук, билдим.

Зулфиға кўнгул қўюб паришон бўлдум,
 Кўз олдурубон юзига ҳайрон бўлдум.
 Чин дей сенга, Бобуроки, ошиқлиғда,
 Ҳар неки қилиб эдим пушаймон бўлдум.

Ҳуснунг сифатини эшитиб зор ўлдум,
 Кўрмай сени ишқингға гирифтор ўлдум.
 Сўргилки, ғаминг фироқи беҳол этти,
 Кўргилки, кўзунг ҳажрида бемор ўлдум.

Ҳижронда, сабо, етти фалакка оҳим,
 Гар ул сори борсанг будурур дилхоҳим
 Ким, арзи дуо ниёз ила қилғайсен,
 Гар сўрса мен хастани гулрух моҳим.

Йиллар тилаб ишни қобу сахлаб турдум,
 Юз жаҳд била ишни мунга еткурдум.
 Мардона бўл эмди яхшидур ишни келиши,
 Тенгрига сени, элни сенга топшурдим.

Гар руҳ дам этса эрди оҳанг нағам,
 Мажлисда не ҳузи қолур эрди, не ғам.
 То борғали руҳ дам беринг мажлисдин,
 Мажлис элига не руҳ қолдию не дам.

Ут солди кўнгулга ранжу бетоблиғим,
 Сув қилди бу хаста жонни беоблиғим.
 Бу иккаласи агарчи бор муҳлику саъб,
 Лек ўлтурадур тонгғача бехоблиғим.

Эй гул, не учун қошингда мен хор ўлдум?
 Юз меҳнату андуҳ била ёр ўлдум!
 Васлинг била бисёр севиндум аввал,
 Ҳажринг била оқибат гирифтор ўлдум.

Юз номан иштиёқ таҳрир эттим,
 Юз навъ била васлингга тадбир эттим.
 Маъзур тут, эй қуёшки, толеъ йўқидин,
 Васлингга етар маҳалда тақсир эттим.

Ер ёғлиғидин кунгулни хурсанд эттим,
 Рухум қушини тори била банд эттим,
 Кунглумни не навъ узай ушал ёғлиғдин,
 Жон рйштасини ториға пайванд эттим.

Бемеҳр деса эл сени мен бутмас эдим,
 Ҳаргиз бу сифатни сенга ёвутмас эдим.
 Ноҳақ оғриб мени унуттунг охир,
 Валлоҳки, сендин бу тамаъ тутмас эдим.

Ислом учун овораи ёзий бўлдум,
 Қуффору ҳунуд ҳарбсозий бўлдум.
 Жазм айлаб эдим ўзни шаҳид бўлмоққа,
 Алминнатуллаҳки, ғозий бўлдум.

Ҳар кунда юзунгни кўрмак эрур ҳавасим,
 Ҳар кеча сочинг хаёлидур ҳамнафасим.
 Исо дамидин руҳ берар жисмимға,
 Сенинг соридин паём келтурса насим.

Қотингда агар гуноҳ гоҳи қилдим,
 Юз қотла надомат била оҳи қилдим.
 Қилдим ёмону асру табоҳи қилдим,
 Лутфунг била сен кечур — гуноҳи қилдим.

Аҳбоб унутмаса керак аҳди қадим,
 Еткурса керак хабар гаҳи пайки насим.
 Бобур, чу умид ила қилур арзи ниёз,
 Шоядки, қабул айлагай табъи салим.

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу «Вақоеъ»ни ўқур, билгайким,
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

101

Ҳаммомки, арк ичинда пайдо қилдим,
Соғинмаки, суддин табарро қилдим.
Суд ушбу эмасмуким, — тадбир била.
Покиза баданларни тамошо қилдим.

102

Юз шукр қилайки, ёна ошиқ бўлдум,
Оламга бўлуб фасона ошиқ бўлдум.
Яхши сўзунггу васфи жамолинг эшитиб,
Кўрмай сени ғойибона ошиқ бўлдум.

103

Ҳаммомки, қилдим кўрунгизким, айём,
Ухшатти анинг бори иши манга тамом.
Кўз ёшию кўнгул ўти бирла мендин,
Гулчеҳралар истабон юруйдур ҳаммом.

104

Ул юз қуёшки, бордур ойдин афзун,
Ҳусн ичра ул ой олида хуршид забун.
То бир кун ул ойдин навозиш топқай
Кук доира бўлдию жаложил ою кун

105

Ишқинг йўлида фироқ ила нетгаймен?
Бир йўл кўрсатки, — васлингга етгаймен!
Васлинг манга гар муясар ўлмас бўлса,
Бошимни олиб бир сорига кетгаймен!

106

Васфингни неча улусдин эшитгаймен,
Не навъ қилиб висолингга етгаймен?

Гар васл муяссар ўлмаса нетгаймен?
Бошимни олиб қай сориға кетгаймен?

107

Ул хатки, анда сени ёд этгаймен,
Кўз оқида, кошки, савод этгаймен.
Қирпиклардин анга қалам рост қилиб,
Кўз қаросидин анга мидод этгаймен.

108

Бир гушаи боғ ўлсаю сен бўлсангу мен,
Май қуйсоқ икимиз қадаҳ ичра бир ҳен
Ондин сунгра аёқ иликка олибон,
Сен тутсангу мен ичсам, мен тутсаму — сен.

109

Беқайд мену харобу сийм эрмасмен,
Ҳам мол йиғиштирур лаим эрмасмен.
Кобулда иқомат этти Бобур дерсиз,
Андоқ демангизларки, муқим эрмасмен.

110

Меҳринг не дурур — бурун чу бор, жавр-кейин,
Бефойда ишқинг ғамини неча ейин.
Ҳолимни неча десам, демассен мени ёр,
Сен демасанг «Эй ёр!» мени, мен не дейин?!

111

Ҳажрингда не қон қолдики, — ютмайдурмен?!
Кўз ёшини бир лаҳза қурутмайдурмен.
Дийдорингнинг ҳақини, эй юзи қуёш,
Тенгри ҳақи, бир зарра унутмайдурмен.

112

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен, ул шуълаға мен кулдурмен.
Нисбат йўқдур, деб ижтиноб айламаким,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен!

Хатимни кӯруб, сӯзумни чун билгайсен,
Келмакта бизга ел киби елгайсен.
Ихлосингни билиб йибордим қосид,
Раҳмат сенга, зинҳорки, бот келгайсен!

Уя бордирки, ишрат орзу қилгайсен,
Ишрат тиламакликта ғулу қилгайсен.
Чун айшу фароғ мумкин эрмас зинҳор,
Бобур, ғаму меҳнат била ху қилгайсен.

Аҳбобга ҳар хатки, савод этгайсен,
Бизни доғи ул битикда ёд этгайсен.
Мақсудки, қосиди агар келса бу ён
Бир нома била кўнгулни шод этгайсен.

Ҳижронда соғиниб мени шод этгайсен,
Мен хастанни мухлиси эътиқод этгайсен.
Бу хатни анинг учун биттим мунда,
Кўргач бу хатимни мени ёд этгайсен.

Неча менга жавр муттасил қилгайсен?
Меҳринг йўқу неча мунфаил қилгайсен?
Жаврингни кӯруб, меҳрни кўрмай кеттим,
Гар кўрсаму кўрмасам биҳил қилгайсен.

Раҳмингни кўнгул тилар — анго қилгайсен,
Заҳмингни кўнгулга бехато қилгайсен.
Тил ики алиф кўксума наъл ўртадаким,
Кўнглум тиларин ҳақин ад● қилгайсен.

Хуш улки, келиб ёнимда ўлтургайсен,
Е бир нафас олимда келиб тургайсен.

Оғзингга у ёр сўзин битий олмасмен,
Борғон кишидин оғиз сўзин сўрғойсен.

120

Давлат била шоду шодмон бўлғойсен,
Шавкат била машҳури жаҳон бўлғойсен.
Кўнглунгдагидек даҳр аро ком суруб
Бу даҳр боринча Комрон бўлғойсен.

121

Эйки, олам шаҳлари шоҳи сенсен,
Бевосита манзури илоҳий сенсен!
Сен борсен, кимга элтай, эй шоҳи паноҳ,
Чун борча жаҳон эли паноҳи сенсен!

122

Зинҳорки, дўстлуқни унутмағойсен,
Туққонлиғдин кўнгулни совутмағойсен.
Ётлар била душман тарафин, гар, тутсанг,
Туққонлиғу дўстлуқ тамаъ тутмағойсен!

123

Эйки, ёролиғ жисмима марҳамсен сен,
Мажруҳ кўнглумга ништар ҳамсен сен.
Гаҳ шоду гаҳи ғамин эсам айб этма
Қим, боиси шодмонлиғу ғамсен сен.

124

Жонимда менинг ҳаёти жоним сенсен,
Жисмимда менинг руҳу равоним сенсен.
Бобурни сенингдек ўзга йўқ ёри азизи,
Алқиссаки, умри жовидоним сенсен..

125

Эйким, манга мужда бердинг ул жонондин,
Қилдинг мени озод ғами хижрондин.
Бу муждани не навъ сифат қилғаймен,
Гўёки, хабар бердинг улукка жондин.

Даврон мени ўткарди сару сомондин,
 Ойирди мени бир йўли хонумондин.
 Гаҳ бошима тож, гаҳ балойи таъна,
 Неларки, бошимга келмади даврондин.

Сўз сўрғали лаъли нуктадонинг топмон,
 Юз суртгали ул остонинг топмон.
 Беному нишонлиғ истасам, не тонгким,
 Номингни эшитдимү нишонинг топмон.

Аҳбоб йиғинидин неча қолғоймен,
 Ўзумни нетиб ул ароға солғоймен?!
 Борсам дағи анда меҳмон касратидин,
 Маълум эмаски, ер топа олғоймен.

Эл суҳбатиники, орзу қилмишмен,
 Не хушлуғ ила бу гуфтуғу қилмишмен.
 Ишрат билла айшни не иш қилғоймен,
 Менким, гаму меҳнат билла ху қилмишмен.

То тарки маноҳию шароб этмишмен,
 Нафсимга худой учун азоб этмишмен.
 Тавба эшиги ҳануз очуқ эрди,
 Бу тавбада бирнима шитоб этмишмен.

Май таркини қилғали паришондурмен,
 Билмон қилур ишимнию ҳайрондурмен.
 Эл барча пушаймон бўлуру тавба қилур,
 Меч тавба қилибмену пушаймондурмен.

Ишқинг мени қилди асру шайдо, нетайин?
 Олам элига айлади, расво, нетайин?

Жонимни фидо қилиб санга, андин сўнг
Дерменки, сени жон этай, аммо нетайин?

133

Васлингни тилаб неча сабодин билайин,
Келгилки, қуюндек бошингга эврулайин.
Гар келмасанг, истасанг мени хидматингга.
Бошимни қадам қилиб қадамга келайин.

134

Ишқ ишини боштин яна бунёд этайин,
Ишқинг гами бирла хотирим шод этайин.
Дебсенки, унутма мени ҳижрон аро, вой,
Сени унутуб не кишини ёд этайин?!

135

Еринг сенинг илоҳий «Таборақ» бўлсун!
Душманларингга тўъма палорақ бўлсун!
Мулкунгда фароғат била хонликлар қил,
Мулкунг била хонлигинг муборақ бўлсун!

136

Бесабрмену бесару сомондурмен,
Бир ғамзададурмену паришондурмен.
Не диннинг ишин қилдиму не дунёнинг,
Е раб, нетай ўз ишимга ҳайрондурмен.

137

Ул шўҳки, билдурди вафодорлигин,
Тарк айлади гўёки ситамкорлигин.
Лутф айлади — ёрлиққа фармон берди,
Аъдо била ёрдур, нетай ёрлигин?!

138

Сенинг била сўз муқаррар андоқ қилайин,
Оламда сени муътабар андоқ қилайин.
Тенгри ҳақи, бу хидмат агар сен қилсанг,
Ҳар навъки, кўнглунг тилар — андоқ қилайин.

Нисъён қилибон неча менга кўргайсен,
Вақт ўлдики, ҳажр номасин бургайсен.
Будур тилагим — хатимни чун кўргайсен,
Албатта, узунгни манга еткургайсен!

140

Е раб, манга нетди бўлди шоҳим, билмон,
Кўз ёшидин узга узрхоҳим билмон.
Бир ҳам назар этмас, эътиқодимни билур,
Ҳар лаҳза итоб этар, гуноҳим билмон.

141

Кечрак келасен, бу хастадин тўйдунгму?
Дил сафҳасидин ҳарфи вафо йўйдунгму?
Номусу уёт керак, уй, от саҳл дурур,
Юз қўй учун ул эшикка юз қўйдунгму?

142

Ғам хонаси сори гузар, эй жон, қилма!
Ишрат уйини кулбаи аҳзон қилма!
Зулфунг киби кўнглумни паришон айлаб,
Лаълинг киби бағримни тўла қон қилма!

143

Ҳар зулфдин, эй кўнгул, паришон бўлма,
Ҳар юзга ҳам асру зору ҳайрон бўлма.
Мен сенга демонки, тарки ишқ эт, лекин,
Андоқ қилким, сўнгра пушаймон бўлма!

144

Мунча мени зор, эй юзи хуршид, этма,
Фурқат аламини менга жовид этма.
Тенгридин агар сенинг умидинг бордур,
Тенгри учун, эй ой, мени навмид этма.

145

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма!
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма!

Борғонни, кел эмди, ёр қилма, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб ўксутма!

146

Ҳижрон аро ёд этиб мени шод айла,
Маҳжур кўнглумни ғамдин озод айла.
Бу хатни анинг учун битидим мунда,
Кўрган сойи хатимни мени ёд айла!

147

Кўз равшан эди сенинг жамолинг бирла,
Кўнгул хуш эди сенинг висолинг бирла.
Бас тийраю нохуш этти ҳажринг бизни,
Эмди қилалинг хў хаёлинг бирла.

148

Рухим яратиб эдинг латофат бирла,
Қилдинг анга танни ҳамроҳ офат бирла.
Рухимни чу тан уйига келтурдунг пок,
Мундин бори элтма касофат бирла.

149

Сен анда фароғу айшу ишрат бирла,
Мен мунда харобу ранжу меҳнат бирла.
Асрормен ўзум бирла сени нақш қилиб
Хурсанд бўлурмен ушбу суврат бирла.

150

Нетгай киши бу фалак нифоқи бирла,
Этгай бу фалак оту сўроқи бирла.
Гаҳ тиргузадур висол айёмидин,
Гаҳ ўлтурадур шоми фироқи бирла.

151

Рафторию қадига равоним садақа,
Бир боқишига икки жаҳоним садақа.
Оғзию белига буд нобудум сарф,
Кўзию лабига жисму жоним садақа.

152

Бобур мутаважжиҳ улса Лангар сорига,
Қилмас назари биҳишту кавсар сорига.
Сендин тилагумдур мадад, эй шоҳи Фиёс,
Ҳар вақтки, азм айласам ҳар сорига.

153

Азм айла, сабо, ет гули хандонимға,
Не гулки, қуёшдек моҳи тобонимға.
Етгил доғи иштиёқ ила Бобурдин,
Зинҳор дегил салом туққонимға.

154

Келдим санга юз умид бирла, эй моҳ,
Лекин, бордим юзунгни кўрмай, юз оҳ,
Ҳамсуҳбату ҳамроҳни нетай бу йўлда?
Дардинг менга ҳамсуҳбату ишқинг ҳамроҳ.

155

Не хеш мени хушлару не бегона,
Не ғайр ризо мендину не жонона.
Ҳар нечаки яхшилиқта қилсам афсун,
Халқ ичра ёмонлиқ била мен афсона.

156

Бу даҳр аро гар эҳтимоли бўлса,
Мендек сенга ёри лоуболи бўлса.
Ул ёр, баче, нозикку йўқ менда адаб
Мендин не ажаб агар малоли бўлса.

157

Ёр улдурким, шеърға майли бўлса,
Нетгай киши шеър ғайр хайли бўлса?!
Ағёрнинг озорини ҳар ҳол била,
Чеккаймен агар ёр туфайли бўлса.

158

Дунё бориси манга мусаххар бўлса,
Уқбода доғи худой ёвар бўлса.

Будур тилагим икки жаҳонда ҳақдин,
Ҳар не тиласам бори муяссар бўлса.

159

Бобур била Мир иттифоқи булса,
Йўқтур ғам агар жаҳон нифоқи булса.
Будур тилагимки, шоҳ даргоҳида
Мен банда учун ҳамиша боқий булса.

160

Кўнглунгга нечаки, сайр матлуб улса,
Аҳбобни сўрмоқ доғи марғуб улса.
Гар ҳажринг имтидоди мундин ортар,
Қолмас манга сабр — сабри Айюб улса.

161

Хуш улки, баҳор фасли бу дунёда,
Бўлғай тараб асбоби бори омода.
Гар бўлмаса асбоб этолинг дангона,
Мендин газаку таом, сендин — бода.

162

Аҳбобқа қилсанг гузар, эй ел, ногоҳ,
Ул жамъни бу сўзумдин этгил огоҳ,
Сиз кўргандек эсон-саломатдурмиз,
Сиз доғи эсон бўлғойсиз, иншаоллоҳ!

163

Жон вола эрур лаъли шаккарборингга,
Кўнглум ҳам эрур хароб рухсорингга.
Гуфторинг эрур бошдин-аёқ борчаси хуб,
Мен банда бўлай бошдан-аёқ борингга.

164

Эй, ой юзунг олида қуёш шарманда,
Ширин сўзу яхши хулқунгга мен банда,
Ҳижронда неча нома била сузлашалинг,
Ё сен бери кел, ё мен борайин анда.

Неча бу фалак солгуси ғурбатқа мени,
 Ҳар лаҳза тугонгусиз машаққатқа мени.
 Не чора қилай, нетайки, тенгри гўё,
 Меҳнатни менга яратти, меҳнатқа — мени.

Бедард ҳабиб билмади дардимни,
 Туфроқча кўрмади руҳи зардимни.
 Мендин неча кўнглида ғубори бўлғай,
 Кетдим муна, эмди топмағай гардимни.

Кўнгли тилаган муродға етса киши,
 Ё борча муродларни тарк этса киши.
 Бу икки иш муяссар ўлмаса оламда,
 Бошини олиб бир сориға кетса киши.

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,
 Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши.
 Кўнглум бу ғариблиқда шод ўлмади, оҳ,
 Ғурбатта севунмас эрмиш, албатта, киши.

Оваралиғ асру хонумондин яхши,
 Бир гўша манга икки жаҳондин яхши.
 Овара бўлурни яхши эрмас демагил,
 Бўлсам агар овара не ондин яхши?!

Ҳар сўзники дермен санга лоф ўлмағуси,
 Бемаънию ҳарзаю газоф ўлмағуси.
 Ул ишда агар мухолафат айларсен
 Тенгри ҳақи, бу сўзда хилоф ўлмағуси.

Эй ёр, жафо расми чикормоқ не эди?
 Ё меҳр гиёҳини қўнғормоқ не эди?

Бир меҳр, яна лутф, яна жавр недур?
Бир бордингу келдинг, яна бормоқ не эди?

172

Гар меҳр била бу чарх эврулса эди,
Жонлардин анинг жавфи керак тўлса эди.
Бобур киби жонға меҳр боғлар эдим,
Гар ушбу жаҳонда меҳр, жон бўлса эди.

173

Ҳолимга, керак, ҳабиб эврулса эди,
Ишрат қадаҳи ҳабибдин тўлса эди.
Хуш вақт турур ёз, вале, нохушмен,
Хушвақт бўлур эдим чоғир бўлса эди.

174

Жон аҳди бори, эй нигор, етмасму эди?
Ул аҳд била қарор етмасму эди?
Эмди доғи васл интизорин берасан,
Мунча маҳал интизор етмасму эди?

175

Гурбат туғи ёпқон руҳи зардимниму дей?
Е ҳажр чиқаргон оҳи сардимниму дей?
Ҳолинг не дурур? Билурмусен, дардимни!
Ҳолингни сўрайму, йўқса дардимниму дей?!

176

Ишванг била ғамзангнию нозингиму дей?
Жавринг била сўзунггу гудозингиму дей?
Сўзунг, қилингинг, навозишингму айтай?
Овозу усулунгнию созингиму дей?

177

Қўзим уйи юзидин мусаввар бўлди,
Бу важҳ била кўнгул мунаввар бўлди.
Юз шукрки, Бобур киби ошиқликда,
Ҳар неки тилаб эдим — муяссар бўлди.

Хатингни кўруб кўнгулга ҳайрат бўлди,
Шеъринг эшитиб жонга мусаррат бўлди.
Бу неча маҳал тағофил эттинг, демагил,
Толёй йўқ эдики — мунча гафлат бўлди.

Эй пайк, бориб сано била қуллуқ, де!
Ер ўп, доғи қўп, адо била қуллуқ, де!
Гар ёр мени хастани сўрса зинҳор,
Мендин юкунуб дуо била қуллуқ, де!

Номангки, тириклигим нишони эрди,
Ҳар сатри ҳаёти жовидони эрди.
Ҳар лафзида ошкор юз ҳарфи вафо,
Ҳар ҳарфда юз меҳр ниҳони эрди.

Ҳажрингда бу тун кўнгулда қайғу эрди,
Васлингга етишмадим жиҳат бу эрди:
Оҳим тутуни бирла кўзумнинг ёшидин,
Йўл балчиқ эди, кеча қаронғу эди!

Ҳажрингда, агарчи жонга бедод эрди,
Сенсиз манга юз фиғону фарёд эрди.
Фикрингдин эрди, валеқ, хурсандлигим,
Зикринг била бу хаста кўнгул шод эрди.

Хотирға хутур этти бу сўз ёнгла, ахий,
Айтай сенга, сен қулоқ солиб онгла, ахий.
Умрунгни бу кун хуш кечир аҳбоб илаким,
Топилмағусидур ушбу кун тонгла, ахий.

Эшитса киши бу шўру шеван не дегай?
Доим бу тарийқ ичкунни кўрган не дегай?

Душман сўзига кирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзни дўст, душман не дегай?

185

Ишқингда кўнгул харобдур, мен не қилай?
Ҳажрингда кўзум пур обдур, мен не қилай?
Жисмим аро печу тобдур, мен не қилай?
Жонимда кўп изтиробдур, мен не қилай?

186

Шоҳим, санга маълум эмастур, не қилай?
Оҳим санга маълум эмастур, не қилай?
Мен юзу қошинг дермену сен — бадру ҳилол,
Моҳим, санга маълум эмастур, не қилай?

187

Бошимни туфайл ул саромадқа қилай,
Жонимни фидо ўшал сиҳи қадқа қилай.
Бу хаста кўнгул била ҳамида қадни
Кўзи била зулфига анинг садқа қилай.

188

Етсам санга қуллуғумни чўқ арз қилай.
Сен етсангу мен десамки, йўқ арз қилай.
Қўптур сўзуму маҳрам эмас ҳеч киши,
Рухсат этса тобуғунда-уқ арз қилай.

189

Ҳижрон аро неча нома таҳрир қилай,
Хома тили бирла ҳол тақрир қилай.
Хуш улким, сўзум санга десам воситасиз,
Сен андаю мен мунда — не тадбир қилай?

190

Менинг тилагим будурки, то зинда бўлай,
Ҳар қанда эсанг банда, доғи анда бўлай.
Не хулқ эди ёна кўнглум олдинг сўз ила,
Ширин сўзу яхши хулқунгга банда бўлай.

Хуснунгни сенинг кимки тааққул қилғай,
 Сендин бошқа нечук таҳаммул қилғай?
 Бу табъу бу ихтилотким, сенда дурур,
 Не менки, бори олам элин қул қилғай.

Ашъорингким, шеър оти то бўлғай,
 Табъ аҳли анга волаю шайдо бўлғай.
 Ҳар лафзи дурру баҳри маоний анда.
 Қим кўрди дуррики, анда дарё бўлғай.

Арбоби ҳасадки, дунёдин дур ўлғай,
 Истар севаридин киши маҳжур ўлғай.
 Доим кўрайин юзунг ало рағми ҳасуд,
 Ҳар ким кўра олмаса кўзи кўр ўлғай.

Носиҳ сўзи санга неча мардуд ўлғай,
 Яхшию ямон қошингда нобуд ўлғай.
 Бори эмди маош, бир навъ этким.
 Ҳақ розию олам эли хушнуд ўлғай.

Юз жаҳд ила етмай санга, эй ой, нетай?
 Ҳажринг аламида неча йиғлай, нетай?
 Йўқ санга вафою раҳму парвой, нетай?
 Эй вой, нетай? Вой, нетай? Вой, нетай?

Мен неча жафою жаврунга сабр этай?
 Бир зарра вафою меҳр йўқ сенда, нетай?
 Чун бошим аёғингга қўярға ярашмас,
 Бошимни олиб аёқ етганча кетай!

Аҳбоб, фироқингиз била эл нетгай?
 Сизларга киши не чора айлаб етгай?

Жамъиятингизни жамъ тутқай тенгри,
Бобурни доғи бу жамъда жамъ этгай.

198

Қосидки, йибординг айлади шод мени,
Доим бу йўсунлуқ айлагил ёд мени,
Озодингга қул бўлайки, хатнинг кетуруб,
Ҳажринг ғамидин айлади озод мени.

199

Ҳар ким деса бурно ё агар ёнгла мени.
Ўзунгга мусоҳибу муҳиб англа мени.
Бу кун мени ёд этиб унутма тонгла,
Зинҳорки, кўз тут ушбу куну тонгла мени.

200

Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди.
Кўзни ёруқ айлади саводи бирла,
Мазмуни била қулоқни пур дурр қилди.

201

Ҳижрон ғамидин заиф жоним сулди,
Гурбат алами бирла ичим қон бўлди.
Юз шукрки мунча йилғи ғам бирла алам,
Роҳат била ишратқа мубаддал ўлди.

202

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди
Ҳар ишники, айладим — хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

203

Ҳуснунгки сенинг — шуҳраи офоқ ўлди,
Жон бирла кўнгул васлингга муштоқ ўлди.
Ҳажринг аро интизор ҳаддин ошти,
Кел ё мени иста — тоқатим тоқ ўлди.

Идрокинггу табъу ҳушунгга банда бўлай,
 Овозу усулу жўшунгга банда бўлай.
 Тақсим қилурда нақшларга абёт,
 Таъриб била ўқушунгга банда бўлай.

Бу чеҳраи зардимдин уёлсанг, нетгай?
 Раҳмат назарини манга солсанг, нетгай?
 Бир ишва била кўнгул бериб Бобурға,
 Бир бўса била кўнглини олсанг, нетгай?

Гар сидқ била бировки, ошиқ бўлғай,
 Маъшуқ висоли анга лойиқ бўлғай.
 Пир олида топқуси муродин бешак,
 Ҳар кимки, агар мурид: содиқ бўлғай.

Ишқинг, нетай, ихтиёрсиз қилди мени,
 Сабримни олиб қарорсиз қилди мени.
 Олам эли ичра орсиз қилди мени,
 Зухд аҳлига эътиборсиз қилди мени.

Ҳар вақтки кўргасен менинг сўзумни,
 Сўзумни ўқуб соғингайсен ўзумни.
 Васлинг била кўнглумни худой айлаб шод
 .¹ ёрутти юзунг била кўзумни.

¹ Қўлёзмада тушиб қолган.

ТУЮҚЛАР

1

Васлдин сўз дерга йўқ, ёро манга,
 Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.
 Уқунг этти кўп ёмон ёро манга,
 Марҳами лутфунг била ёро манга.

2

Улки, ҳар кўзи ғизоли Чин дурур,
 Қошида пайваста онинг чин дурур.
 Чунки кўп ёлғон айтти ул манга,
 Гар десам ёлғончи они чин дурур.

3

Мени беҳол айлаган ёр — ой дурур
 Ким, онинг васли менга ёрой дурур.
 Гар висоли бўлмаса кетар ерим
 Ё Хуросон, ё Хитой, ё Рой дурур.

4

Ишқ аҳли ишқ дардини танинг,
 Кўп ёмондур, дарди ишқидин танинг.
 Ҳар неча кўзум оч эрса кўз тўёр,
 Гар очилса сиймдек нозик танинг.

5

Меҳрким, кукка қилур оҳанг тонг,
 Олида булса эмас беранг тонг.
 Холию икки лабидек бўлғоли,
 Ҳинду ар келтурса шакар танг танг.

6

Кел қилай жонни нисоринг, о ёрим,
 Нақди жонни борму сендин оёрим?!

Бўса берсанг гар тамом оғзинг била,
Кунжи оғзингдин олойин оёрим.

7

Сен киби бир дилрабони биямонам,
Ошиқи содиқки дерлар, бил, манам,
Қил тасаввур куз ёшимни бир тенгиз,
Узга ошиқ ашки янглиғ биямонам.

8

То чиқарди хат узори покидин,
Гул юзи озурда бўлди покидин.
Истар эрди эл бурун юз меҳр ила,
Эмди ул юз меҳри кетти покидин.

9

То кунгул бердим ушал қойсориға,
Барғонини билмадим қой сорига.
Дустлар, ёрға мени соғиндурунг,
Солсангиз ногоҳ қулоқ қойсориға.

10

Шаҳ, супурай астонинг юз ила,
Тийманақдин неча урай юз ила,
Икки юзлук муддаийдин не ғамим,
Гар ишим тушса алардин юзила?!

11

Не бало бийик турур давлат тоғи,
Қўҳи ғамни не билур давлат тоғи.
Ҳиммати тут, доғи давлат истагил,
Ҳимматинг бўлса бўлур давлат тоғи.

12

Жонға солди даҳр ғурбат норини,
Куз ёшим бўлди муғулнинг норини.
Бу арода мен дегандек бўлмаса,
Кўзлай Иссиг кўлу андин норини.

Қилмаса ул ой назар манга, не тонг?
 Тенгри толеъ чун манга ёротмади.
 Уқи ёрар эрди кўнглум дардини,
 Нетайин кўнглум учун ёр отмади?!

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,
 Кўнглум гаму андуҳ ўтиға ёқилди.
 Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
 Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!

ҚИТЪАЛАР

1

Эй аларким, бу Ҳинд кишваридин
Бордингиз англаб ўзга ранжу алам.
Кобулу хуш ҳавосини соғиниб,
Ҳинддин гарм бордингиз ул дам. —
Қурдингиз — топтингиз экин анда
Ишрату айш бирла нози ниам?
Биз доғи ўлмадук, бихамдиллоҳ,
Гарчи кўп ранж эдию беҳад ғам.
Ҳаззи нафсий, машаққати баданий,
Сиздин уттию утти биздин ҳам.

2

Даврон ғами била ситамини унуттурур
Ул сабз чеҳра ёр хаёли алоуддавом.
Ҳижронида хаёл эта олмон, бу турфаким,
Васлида ҳам хаёл агар булса борча хом.
Васфида хомлик агар улса не ғам дурур
Чун дафъ этар хаёли ғаму ғуссани тамом.
Чун ёри роздор қилурман сени хаёл,
Асрор фош айлама зинҳор, вассалом!

3

Бобур ниёзу мадҳини еткурғил, эй сабо,
Ул шаҳзода Носир оли жанобқа.
Бул ою йил фароғату хуш бошлиғ била
Булгунча моҳи висол ою офтобқа.
Ҳижрон чўлида жаҳд ила пўялар уруб,
Истаб зилоли васл, етиштим саробқа.
Чун хост мундоқ эрдик, ҳажрингни чеккамен.
Бехост ражъат айламишам Андаробқа.

4

Эйки, тарғиб қилурсен чоғир ичмакка мени,
Созу хонанда била соқию саҳбо борму?

Бовужудики, ўтубтур чоғир ичмак вақти,
Мажлис асбобини, билмомки, муҳайё борму?

5

Ноумид бўлдим, эй Муғул, сендин,
То эшиттимки, Андижон бординг.
Айтгон сўзга келдим, аммо, сен
Яхши келдинг демай, ямон бординг.

6

Қолмади ҳурмат аҳли оламда,
Оламу олам аҳлидин юв илик!
Бобуро, икки подшолиғдин,
Яхшироқ бу замонда бир беклик.

7

Муяссар улса агар ёр васли ғурбатта,
Ватанни не қилаю ўз днёр нега керак?
Йиборди ёр манга ёдгор деб хатини,
Манга ҳабиб керак — ёдгор нега керак?!

8

Не суд андин пойдаргиллиғим,
Чу ал дўстлардин ул ой юб эмиш.
Ўзин фориғу бизни қилгон асир
Ким, эрмиш бу янглиғ ул Айюб эмиш.

9

Гамоми ҳусн эли соғу ҳушёр эканда,
Дурушту тунд, агар булсалар, билинги, еридур.
Чоғир керакки ичиб, базм бўлса, барча йигитлар,
Чоғир кетур, бори хублар чоғирга тушуларидур.

10

Не қилайин сенинг била, эй тил,
Жиҳатингдин менинг ичим қондур!
Неча яхши десанг бу ҳазл ила шеър,
Бириси фаҳшу бири ёлғондур.

Гар десанг куймайин бу журм била,
Жилавингни бу арсадин ёндур!

11

Ул сарвинг ҳаримига, гар, етсанг, эй сабо,
Бергил бу ҳажри хастасидин ёд кунглига.
Раҳм айлабон соғинмади Бобурни, бор умид,
Солғой худой раҳмни Фулод кунглига.

12

Бу вилоятка муқайяд булмағил,
Кел, Хуросон жонибиға азм қил!
Гар борур булсанг эрурмен ҳамраҳинг,
В-ар турарсен. мен борурмен жазм қил!

13

Иўқтурур нозингдин озоре манга,
Ноз агар қилсанг манга матлубдур,
Хоҳ кўрсат лутфу хоҳи жавр қил,
Ҳар не воқеъ булса сендин хубдур.

МАСНАВИЙЛАР

1

Сабо, ул гул ҳаримига гузар қил,
Менинг ҳолимдин ул гулга хабар қил.

Саломим еткур ул ороми жонға,
Яна мундоқ дегил ул дилситонға:

«Юзунгни кўрсатиб кўнглумни олдинг,
Олиб кўнглумни, кўздин мени солдинг.

Дегил дилдорлиқ мундоқ бўлурму?
Тарийқи ёрлиқ мундоқ бўлурму?

Сени мундоқ тасаввур қилмас эрдим,
Бу янглиғ раҳмсиз ҳам билмас эрдим.

Сени деб барча оламдин кечибмен,
Рафиқу ёру ҳамдамдин кечибмен.

Замоне қилмадим сендин фароғат,
Вале, бордур сенга мендин фароғат.

Мени аввал ўзунгга ҳамдам эттинг,
Ёна билмам нега номаҳрам эттинг.

Сўзунгким, Хизр суйидин нишондур,
Вале, ул сув киби мендин ниҳондур.

Не яъни мунча биздин сўз ёшурмоқ,
Жафо ойинини ҳаддин ошурмоқ?

Бировнингким, бировдин кўнгли қолур,
Киши юз сўзи била кўнгулни олур.

Ажабким, мендин, эй дилдор, тўйдунг,
Менинг кўнглумни бир сўз бирла қўйдунг.

Узатма мунча ҳам, Бобур, сўзунгни,
Бу сўзлар бирла хор этма ўзунгни.

Агарчи, кўп сўзунг бор мухтасар қил,
Ул ойға сўзнинг аслидин хабар қил.

Гар ул сўзим, ёшурдунг, айтмассен,
Бу янглиғ одатингдин қайтмассен.

Сенинг севмаслигингни жазм этармен,
Бош олиб ўзга бир сори кетармен.

Агар ботроқ йибормассен жавобим,
Бу хатдин ортуқ ўлуру печу тобим».

2

Эй пайки сабо, қотимға келгил!
Эшит бу сўзумни, доғи билгил!

Елдек етиб ул қуёш қошиға,
Қуюн киби эврулиб бошиға.

Юз ҳасрату иштиёқ бирла,
Юз минг аламу фироқ бирла.

Мендин тобуғида буйла арз эт,
Бу хидматни ўзунгга фарз эт:

«Қ-эй подшоҳи вилояти ҳусн!
Шонингда келибдур ояти ҳусн!

Сен ҳусн сарири подшоҳи!
Мен ишқ фақири додхоҳи!

Ҳажру ғаминг этти зулму бедод,
Эй жону жаҳон, фиғону фарёд!

Ойрилғали, эй нигор, сендин,
Ойрилду ҳушу қарор мендин.

Кўзумда, агарчи, йўқ жамолинг,
Кўнглумда дурур, вале, хаёлинг.

Фикрим бу дурурки, сенга етсам!
Зикрим будурур — сўзунг эшитсам!

Бормади кўнгулдин ул сочу юз,
Ёд эттим аларни кеча-кундуз.

Чун йўқ қошингга етарга ҳаддим,
Қошинг ғамидин эгилди қаддим.

Зулфунг гириҳиға бастадурмен,
Қошинг ҳавасида хастадурмен.

То оқ юзунг йироқ тушти,
Икки кўзум ичра оқ тушти.

Оғзинг ғамидинки, тангдилмен,
Улмай юрурам, не сангдилмен!

Лутф этки, хароб бўлди ҳолим,
Раҳм айлаки, қолмади мажолим.

Хуш улки, юзунгни ёна кўрсам,
Ҳайрон боқибон юзунгга турсам.

Упсам аёғинг қўюб юзумни,
Суртуб анга ҳар замон кўзумни.

Бўйнунгга қўлум ҳамойил этсам,
Сарвингни ўзумга мойил этсам.

Гаҳ илкима ғабғабингни олсам,
Гаҳ оғзима ул лабингни олсам.

Кўзумни кўтармасам кўзунгдин,
Юзумни кўтармасам юзунгдин.

Гаҳ оғзимга тилингни олсам,
Гаҳ оғзингга тилимни солсам.

Ҳосилки агар қошингга етсам,
Кўнглум тилаганча ишрат этсам.

Юзунг яна кўрсам эрди, эй жон,
Улсам доғи қолмас эрди армон.

Юз мунча хаёллар қилурмен,
Ёдинг била ҳоллар қилурмен.

Мен ушбу хаёллар била шод,
Сен мени қилурсен ўзгача ёд.

Маҳжур кўнгулни шод қилмай,
Яхши сўз бирла ёд қилмай.

Елғон сўз ила итоб этарсен,
Юз қаҳр била хитоб этарсен.

Гар ёлғони бўлса зоҳир, эй дўст!
Шарманда буларсен охир, эй дўст!

Эй ёр, сен айлама тасаввур
Ким, кўнглини ўзга қилди Бобур.

Юз ҳур сифат қошимға келса,
Юз тиғи жафо бошимға келса.

Кўнглумда ҳануз ўшал вафодур!
Бошимда дағи ўшал ҳаводур!

Фикрим ўшалу хаёл ўшалдур!
Дардим улу зорӣ ҳол ўшалдур!

Гар мунда тараддуд этса ойим,
Бу сўзда гувоҳ эрур худойим.

Ҳол ул эдиким, ҳикоят этдим,
Гаҳ шукру гаҳи шикоят эттим.

Ҳар неки кўнгулда эрди — дедим,
Эмди сендин будур умидим:

Ҳар ишда шитоб қилмағайсен!
Бу тавр итоб қилмағайсен!

Қолғон кўнглумни олғасен бот,
Олғон назарингни солғасен бот.

Гар яхшию гар ямон қилурсен,
Дедим санга, эмди сен билурсен.

То даҳр дурур саломат ўлғил!
Хушлуқ била то қиёмат ўлғил!

Хушвақтлигинг мудом бўлсун!
Давлат санга мустадом бўлсун!

3

Хотиримни тилар эсанг, кел қўпқил!
Бу сўзумни эшитгил, эй ел, қўпқил!

Ул парининг ҳаримиға гузар эт!
Мен девона ҳолидин хабар эт!

Дегил аввал анга саломимни,
Яна арз айла бу паёмимни

Ким: «Санга номалар равон қилдим,
Ҳолатимни барин баён қилдим.

Сени дедим, умид ила, эй ёр
Ким, олиб кўнглум улғасен дилдор.

Иўққим, кўнглумга жавр қилгайсен,
Ёрлиғни бу тавр қилгайсен!

Кам эмас эрди ёр оламда,
Ҳар тараф ёр бор оламда.

Боридин сени ихтиёр эттим,
Жонни ишқингда беқарор эттим.

Гарчи, кўп фурқатингда қон ютдум,
Лек, доим висола кўз туттум.

Билмадимким, фироқ кўргаймен,
Меҳнати иштиёқ кўргаймен.

Номалар ёздим изтироб била,
Сарфароз этмадинг жавоб била.

Мунча чоғлиқ ниёз зоҳир этиб,
Мунча сўзу гудоз зоҳир этиб.

Бўлмади, эй нигор, нозинг кам,
Не қилай, элдин эҳтирозинг кам.

Ғаму дарду алам била тұлдум,
Охирул-амр ноумид ұлдум.

Ноумид улуб, ултуруб эрдим,
Мутахаййир булуб, туруб эрдим

Қим, яна нома бирла ёд эттинг,
Қайғулуқ хотиримни шод эттинг!

Қуюбон бошға беқарор улдум,
Яна боштин уммидвор улдум.

Лутфлар айладинг, вале, не суд?!
Эмдиким, васл иши дурур нобуд.

Эй жафожуй, мундоғинг бор эмиш,
Қўнглунг, эй ёр, мунча юмшор эмиш.

Не бало, бердинг интизор манга,
Қўп жафо қилдинг, эй нигор, манга.

Бу қулунг, санга чун керак эрди,
Бу иноят бурун керак эрди.

Эмдиким, ваъдаи вафо қилдинг,
Мени ўзунгга ошно қилдинг.

Ҳеч билмонки, чинмудур бу сўзунг,
Яхшилиққа яқинмудур бу сўзунг?

Е бу ҳам ишваю фирибмудур?
Дўстлуқта булар ҳасибмудур?

Ёрлиғни, агар, қилур бўлсанг,
Ёрлиғ таврини билур бўлсанг,

Аҳду қавлунг дурусту маҳкам қил!
Ваъда чун айладинг — вафо ҳам қил!

Чун бу дам васл иши йироқ дурур,
Қўнглумиз хастаи фироқ дурур.

Ҳар қачон васл иши ёвуқлашса,
Ғаму ҳижрон черики тарқашса,

Енмоғил айтқон ҳадисингдин!
Тонмағил айтқон ҳадисингдин!

Шодмон қил мени висол била,
Ихтилот эт бу хастаҳол била.

Банда Бобурни муҳтарам қилғил,
Маҳрам эт васлингга, карам қилғил!

Санга кўнглумдагин дедим, эй ёр,
Эмди сендин жавоб умидим бор.

Хат жавобига йулда булди кузум,
Вассалом, эмди хатм булди сўзум».

4

Эй, сабо, елмакни қўйғил, ҳазм қил!
Сарвинозим кўйи сори азм қил!

Ел киби ет сарвинозим қошиға!
Ҳам қуюндек эврул аннинг бошиға!

Бош қўюб ерга ниёзим арз қил!
Сўрса ҳолим сарвинозим арз қил!

Айтғил ул ҳусн мулки хониға,
Демайин хон, балки жонлар жониға:

«Кўрмайин юзунгни бемор ўлмишам,
Ғойибона ошиқи зор ўлмишам.

Ҳеч билмонким, билурсен, эй нигор
Ким, неча йилдур чекармен интизор.

Бир доғи ёд этмадинг бу неча йил,
Хотирим шод этмадинг бу неча йил.

Баҳрае кўрмай висолингдин даме,
Холи йуқ эрдим хаёлингдин даме.

Фикринг эрди дўстдору ҳамдамим,
Единг эрди ғамгусору маҳрамим.

Зарра, эй ой, қилмадинг парво манга,
Не бало кўрсаттинг истиғно манга!

Қилмадинг бир зарра истиғнони кам,
Бу на истиғнодурур, эй жонакам?

Сен бу янглиғ маст ҳуснунг жомидин,
Мен мунингдек айру васлинг комидин.

Нечаким, қилдим вафо, кўрдум жафо,
Нечаким, кўрдум жафо, қилдум вафо.

Ёвушуб эрдимки, навмид улғамен,
Ишқдин бегона жовид улғамен.

Ишқ раҳу расмини унутқамен.
Зухд тавру шевасини тутқамен

Ким, баяк ногоҳ келди қосиди,
Ёрдин огоҳ келди қосиди.

Васлидин бир мужда берди ул манга.
Жондин ортуқ мужда эрди ул манга.

Васфини нечук қилай бу мужданинг,
Чинини қандин билай бу мужданинг.

Бўлса чин бир нома келмасму эди,
Бир насими лутф елмасму эди?

Қўйғил, эй қосид, булар ёлғон дурур,
Меҳру хусн аҳли бу не имкон дурур?!

Мен курубмен ҳублар жаврини куп,
Мен билурмен хублар таврини хуб.

Гар сузунг чиндур, яна билмак керак,
Ёрдин бир хат олиб келмак керак.

Етгил аввал хидматиға ёринг,
Бўйла арз эт ҳазратиға ёринг:

«Яхши пайғомингни еткурди расул,
Лутфу икромингни еткурди расул.

Ғарчи қилдинг лутф, эй дилбар, манга,
Келмади лекин булар бовар манга.

Ҳажр утига неча ёнсун бу кўнгул,
Андоқ айтгилким, инонсун бу кўнгул.

Ғар вафо қилмоқ хаёлинг бор дурур,
Кўй жафониким, кўнгул музтар дурур.

Бир иноятнома бирла ёд қил!
Қил иноят, хотиримни шод қил!

Ё мени қошингга еткур, қил карам,
Ё қошимға кел, кўзумга бос қадам

Ҳар неким кўнглунгга келса, эй пари,
Ул иноятномада ёзғил бари.

Ғар сенинг васлинг умиди бўлмаса,
Васлингга етмак навиди бўлмаса.

Ўзга бўлмас ўзни билмаклик манга!
Балки мушкилдур тирилмаклик манга!

Васл ила фарсуда жисмим зинда қил!
Лутф ила Бобурни бошдин банда қил!

Хат жавобиға чекармен интизор,
Бот жавобини йиборгил, эй нигор!

Ҳар не кўнглумда эди — дедим тамом,
Хатм бўлди сўзум, эмди вассалом!»

5

Бир кеча хотирим мушавваш эди,
Кўзда сув, кўнглум ичра оташ эди.

Даҳр ишидин фиғон қилур эрдим.
Хотиримни ямон қилур эрдим.

Ҳар замон даҳрни хитоб қилиб,
Ўлтуруб, гаҳ қўпуб, шитоб қилиб.

Дер эдим: «Эй, вафоси йўқ золим,
Зулмдин етти ўлгали ҳолим!

Зулмдин ўзга ишни билмайсен,
Мен мискинга раҳм қилмайсен.

Гар мен ўлтургулукмен — ултургил!
Йўқ эса, сўргулук эсам — сўргил!

Ҳар нечук тавр қил, бу жавр этма!
Ҳар нечук жавр қил, бу тавр этма!

Йўқ эди ҳеч ишим сенинг бирла,
Нейинг бор, эй даҳри дун, менинг бирла?

Қунжи узлатта рў қилиб эрдим,
Ғаму меҳнатта ҳу қилиб эрдим.

Эй хуш улким, жамни ҳамдамдин,
Дема ҳамдамки, жумла оламдин,

Фориғ эрдим, қаноатим бор эди,
Қонеъ эрдим, фароғатим бор эди.

Гушае ихтиёр қилғон эдим,
Ғафлат уйқусидин ойилғон эдим.

Яна юз ишваю фириб била,
Ҳеч билмонки, не ҳасиб била.

Давлат ўтрусиға мени солдинг,
Ғафлат уйқусиға мени солдинг.

Бори аҳбобни қилиб масрур,
Бори аъдони айладинг мақхур.

Ота тахтида фориғ ултурдум,
Бал, отам курмаганни мен курдум.

Олти ой ичра олти тахт олдим,
Етти иқлима, балки, кўз солдим.

Дедим, эмди муродима еттим,
Билмадимки, ғалат хаёл эттим.

Ишрату айш вақти етган чоғ,
Меҳнату ғусса оти йитган чоғ,

Яна маҳруми хонумон қилдинг,
Яна оворан жаҳон қилдинг.

Дарду ғамни манга анис эттинг,
Меҳнату ранжни жалис эттинг.

Айш ила ишратимдин айрилдим.
Давлату иззатимдин айрилдим.

Давлату тахту иззу жоҳ қани?
Ҳамдаму ҳамнишинлар, оҳ, қани?

Борди ул айшу комронлиғлар,
Эмди ким курса ҳолатим — йиғлар.

Кўрсатиб давлат эмгакинг на эди?
Ерга урдунг, кутармагинг на эди?

Бу нечук зулмдур — ниҳояти йўқ?
Бу на янглиг ситамки — ғояти йўқ?

Даҳрға не вафодуру не раҳм,
Даҳр куп бевафодуру бераҳм.

Йўқ турур меҳри ҳеч кишига анинг,
Эътимод этма ҳеч ишига анинг.

Гоҳ куфр аҳлини мусаллат этар,
Аҳли диннинг ишини мунҳат этар.

Гоҳ бир қулни подшоҳ қилур,
Шоҳни банда гоҳ-гоҳ қилур.

Гоҳ жоҳилни сарбаланд айлар,
Гоҳ оқилни пойбанд айлар.

Жону кўнглида жуз жаҳолат йўқ,
Ҳеч ишида анинг адолат йўқ.

Не вафо қилганини билса бўлур,
Не жафосиға сабр қилса бўлур.

Не қилай, не кишидин истай дод?
Кимга даҳр илгидин қилай фарёд?

Даҳри дундин шикоятим кўпдур,
Даҳр элидин ҳикоятим кўпдур!»

Ушбу ҳолатта нотавон кўнглум,
Ғуссадин топмоғон омон кўнглум.

Ўз қатиқ ҳолатиға йиғлар эди.
Кўз қатиқ ҳолатиға йиғлар эди.

Келди бошимға субҳидам охир,
Меҳрдин урди субҳ дам охир.

Мени ўз деди меҳрибонлиғдин,
Неча сўз деди меҳрибонлиғдин.

Манга сўзларки, тонг бу тун қотти,
Жонима уқлар эрди тонг отди.

Субҳи содиқлиғи чу зоҳир эди,
Нафаси субҳнинг муассир эди:

«К-эй фалони, бу не разолаттур?
Не жаҳолаттуру не ҳолаттур?

Неча дунё ғамидин этмаклик,
Кўп сўз онинг учун эшитмаклик.

Арзимас ғам емакка бу дунё,
Бал, отин ҳам демакка бу дунё.

Тамаъ узгил бу эски дунёдин,
Хотирингдин чиқар бу дун ёдин.

Давлат учун кўнгулни зор этма!
Иzzат учун ўзунгни хор этма!

Кўз очиб боққунча сафо йўқ анга,
Кўз юмуб очқунча бақо йўқ анга.

Даҳрдин кимга булса мултамаси,
Беш эмас орзу била ҳаваси.

Нафснинг касбидур ҳавою ҳавас,
Руҳ олидадур булар ярамас.

Нафс душман дурур яқин билгил,
Дўстум, бу сўзумни чин билгил.

Душманедур, агарчи, утру эмас,
Лек, бир лаҳза сендин айру эмас.

Гарчи зоҳирда тўғридектур нафс,
Жисминг уйида ўғридектур нафс.

Бурноғилар сўзин назар қилғил,
Уйнинг ўғрисидин ҳазар қилғил.

Нафс тавсанини ром қил ўзунгга,
Қодир ул ҳарна сўз десанг сўзунгга.

Неча нафс илгида забун бўлмоқ,
Сухран зумраи жунун бўлмоқ.

Не десанг нафсининг ризоси била,
Неки қилсанг анинг ҳавоси била,

Фисқ қилмоқдин ўзга фикринг йўқ,
Фаҳш демақдин ўзга зикринг йўқ.

Ўйла разлу лаванд ўлубсенким,
Халқ аро рехшанд ўлубсенким.

Ҳар замон бир лаванд масхараи,
Маъсият дудидин юзи қаран.

Ўзни ёндоштуруб ўзунг бирла,
Сўзни чирмаштуруб сўзунг бирла.

Они ўзунгга сен билиб ҳамдам,
Они сўзунгга сен қилиб маҳрам.

Қилғасиз халқни туман ғийбат,
Дегасиз отингизни хушсуҳбат.

Ҳар ямон бор — ёр қилғайсиз,
Ҳар ямонлиғки бор — қилғайсиз.

Ногаҳон бир жавон гузор айлаб,
Оллида ўзни беқарор айлаб.

Ҳар йигитким кўрунса ҳол қилиб,
Кейнида юз туман хаёл қилиб,

Бу не умру бу не балолиғдур?
Бу не тавру не юз қаролиғдур?

Йуқтурур ҳеч эътимид санга,
Тенгридин йуқмудур умид санга?

Лодалиғ бирла умрум ўтти нетай?
Қай сориға бу умр бирла кетай?

Умр гафлатда ўткариб борасен,
Эй йигит, воқиф ул, қариб борасен.

Ҳақ таоло нега яратти сени?
Одамийлар сонига қотти сени

Ким ўзунг бирла фикр қилгайсен,
Гафлат уйқусидин ойилгайсен.

Билгасен жаҳд ила бори сифатин,
Қилгасен дарк тенгри маърифатин.

Рост қилгайсен эътиқодингни,
Билгасен мабдаъю маодингни.

6

Жисмингга заъф эса — жоним садақа!
Жонингга икки жаҳоним садақа!

Кўзунгга бу бани бемор фидо,
Белингга бу бадани зор фидо!

Сенсизин жисм била жонни нетай?
Дард сендин эса дармонни нетай?

Манга сенсен бу жаҳондин мақсуд,
Не жаҳон, жисм ила жондин мақсуд

Қоматинг янглиғ узун ёш топқил!
Умри ҳуснунг киби дилкаш топқил!

Қосидинг келди — сафо келтурди,
Хабари меҳру вафо келтурди.

Номани манга равон айлабсен,
Жони йўқ жисмима жон айлабсен.

Кўрубон номани ўздин бордим,
Уқубон сўзини сўздин бордим.

Кўргач-уқ кўзума суртуб уптум,
Уқигач уқ бошима қўюб қўптум.

Борча мазмуни анинг хуб эрди,
Бори лафзи дағи марғуб эрди.

Ерда меҳру вафо бор эрмиш,
Лиллаҳил-ҳамд, вафодор эрмиш.

Туну кун фикру хаёлим бу дурур,
Ою йил тавруму ҳолим бу дурур.

Ҳажрининг кулбасидин кетгаймен,
Васл кошонасиға етгаймен.

Васлингга тенгри мени еткурса,
Лутф этиб манга сени еткурса,

Етгач-уқ эврулайин бошингдин!
Ғойиб ўлмай нафасе қошингдин!

Мен демасменки, дудоғини упай,
Гар илик берса — аёғини ўпай.

Бир замон холи эмон фикрингдин,
Бир нафас ғофил эмон зикрингдин.

Гар десам жисм ила жондин сен-сен,
Гаразим икки жаҳондин сен-сен.

Ой юзунг йўқда қаро кун бўлсун!
Еру кук остину устун бўлсун!

Ҳар не кунглумда эди мен дедим,
Эмди сендин бу дурур умидим:

Меҳрнинг расмини унутмағосен,
Бевафолик йўлини тутмағосен.

Бурноғидек мени ёд этгайсен,
Хотири хастани шод этгайсен!

Ғайри ихлосу дуо бирла салом,
Не дейин ўзга, сўзум бўлди тамом!

7

Хотирим сақлар эсанг кел қўпғил!
Бу сўзумни эшит, эй ел қўпғил!

Аҳли дил оллида суръат била ет!
Санга ҳарнеки десам — сен арз эт!

Мушкилим оллида тақрир этгил,
Ҳолатим шарҳини бир-бир этгил.

Дегасен муътақиду маъмулум,
Равишу тавру сулуку йўлум.

Бордур андоқки, аён айлабмен,
Мен «Мубаййин»да баён айлабмен.

Бир анинг бирла иш очилмас эмиш,
Дарди дил чорасини қилмас эмиш.

Нетайин, не қилайин дардим учун?
Чора кимдин тилайин дардим учун?

Чора дардимға магар пир этгай,
Чорасиз ишима тадбир этгай.

Найлайин муршиду нетай иршод?
Қобилият қанию истеъдод?

Мустаид бўлу қил ўзни қобил,
Файзлар то санга бўлғай восил.

Сенда не саъю ўзунгда қабул,
Не ишинг яхши, не сўзунг мақбул.

Не оёқким, талабида юругай,
Не кунгулким, ҳавасида чуругай.

Не анинг ишини қилмоққа илқ,
Не анинг гуноҳини билмакка билиқ.

Шаҳвату нафс гирифторисен,
Дад била дев намудорисен.

Шаҳвату нафс қавий душмандур,
Минг сенингдекни забун қилғондур.

Лаззати егулуку ичкулугунг,
Хушийи кайфияту ичкулугунг.

Мазан ашрибаю ҳаззи яхоб,
Ҳолату нашъан маъжуну шароб.

Хурвашлар била ҳамдаст ўлмоқ,
Майкаш эл бирла ичиб маст ўлмоқ.

Нашъан субҳу сабуҳий нашъа,
Майкаш эл қуввати руҳи нашъа.

Тунд рахшингни миниб елдурубон,
Элга ўзни танитиб — билдурубон.

Ҳукмунг ўлмоқ бори элга жорий,
Сўзунг ўлмоқ бори ерда кори.

Тобеъинг мулки Хуросон бўлмоқ,
Ҳинду Чин олмоғинг осон бўлмоқ.

Қуллуку хидматинг этмак йилу ой,
Насли Жўжию уруғи Чигатой.

Борча ишга бўлубон дастрасинг,
Келиб илгингга, неким, бор ҳавасинг.

Бори фонию бори ҳеч турур,
Сени дунё боридин кечтурур.

Билмишам ҳарнеки, қилдинг таҳрир,
Фаҳм қилдим ғаразингни бир-бир.

Бу демактин, бу битиктин не суд,
Талабеким, керак улдур нобуд.

Тенгри қилғайму экин турфа сабаб,
Ҳосил улғайму экин ушбу талаб?

Тенгри тавфиқи магар ёр улғай,
То киши ҳақни талабгор улғай.

Тенгри тавфиқи дею тек турайн,
Не қилай, чорани кимдин сұрайин?

Тут қулоқким, бу дурур таҳқиқи,
Тенгрининг бўлмағунча тавфиқи,

Мумкин әрмас була олмоқ ҳеч иш,
Нега керак санга мунча печиш!

Кирдигоро, манга тавфиқе бер!
Югурмакка раҳи таҳқиқе бер!

Умр ғафлат била ўтқормишмен,
Нафс буйруғи била бормишмен.

Нафс ёғисини мағлуб этгил!
Ишларимни борини хуб этгил!

Бори ҳаздин мени осон ўтқар!
Ишларимни менинг осон бутқар!

Гўшу ҳушумни сўзунг сори қил,
Жону кўнглумни ўзунг сори қил!

Ғамларинг бирла овут кўнглумни!
Маърифат бирла ёрут кўнглумни!

Қўйма Бобурни бу ҳолат бирла!
Они ўлтурма батолат бирла!

Ҳар кишини анга ғамхор этгил!
Ҳимматин бадрақою ёр этгил!

Токи дардиға даво еткургай,
Тортибон они сенго еткургай.

8

Неча исён била олудалигинг,
Неча ҳирмон аро осудалигинг?

Неча нафсингга бўлурсан тобеъ,
Неча умрунгни қилурсен зоеъ?

Нияти ғазв илаким юрубсен,
Улмагингни узунгга кўрубсен.

Кимки ўлмак ўзига жазм этар,
Ушбу ҳолатга билурсенки нетар.

Дуд этар барча маноҳидин ўзин,
Аритур жумла гуноҳидин ўзин.

Хуш қилиб ўзни бу кечмакликдин,
Тавба қилдим чоғир ичмакликдин.

Олтуну нуқра суроҳию аёғ,
Мажлис олоти тамомин ул чоғ

Ҳозир айлаб борини синдурдум,
Тарк этиб майни кўнгул тиндурдум.

МУАММОЛАР

1 Бобур

Эшикинг остониға қўюбон икки юзумни,
Упай гоҳи тавозеъ бирла, суртай гоҳ кўзумни.

2 Шох

Ҳажр шомни сочи савдоси чекар ҳар ён мени,
Ваҳки, бу поёни йўқ тун қилди саргардон мени.

3 Иброҳим

Неча отини эшитгач оҳ уруб, уздин кетай,
Оқибат бош борғусидур, Бобур, оҳимдин нетай?

4 Муаййан

Кўзумки, хати эрди анинг матлуби,
Юз шукрки, равшан этти кўзум мактуби.

5 Юсуф

Ютадур таассуфдин фироқида кўнглум қон,
Нетай, бу бало бирла недур, дўстлар, дармон?

6 Ҳасан

Хулқунгни рост қилғил ҳар соригаки борсанг,
«Аҳсанта!» дер бори эл гар яхши от чиқарсанг.

7 Холид

Кўнгулга ўт солур ул гулнинг икки юзининг оли,
Ичимни куйдурур ул қаро зулфи оллида холи.

8 Озод

Ишқ таврин истасанг, қошимға беиҳмол кел,
Ишқ аро озор беҳад чекмишам, ёд ол, кел!

9 Қубод

Юз биёбон тарафиға ураинн,
Дарди дил бирла не мунда тураинн.

10 Қаломий

Етилди соч будур сендин муроде
Қи, қилгайсен каломе, бизни ёде.

11 Мир

Менинг бирла нечаким пуқ маъоши,
Менинг бошимдағи ул ёр тоши.

12 Амин

Нетай ҳар тун, фароғу дуду сўзи,
Намоёндура арода ёр юзи.

13 Дойим Али

Ераб ул хуршидру ул меҳр қоонимдадур
Қим, анга солсам кўзумни, ё десам кўнглум ғамин.

14 Нуъмон

То бор холи гул, узори гул сиймтанам,
Ҳар ён гулдек чокдурур пираҳанам,
Улсам кузу оғзию қади ёди била,
Чок улғуси кўнглак киби ҳар ён кафаним.

15 Шуҳратий

Юз минг жафо ул ой учун мен қарорсиз,
Қилмағаймен ихтиёр, вале ихтиёрсиз.

16 Салмон

Улусдин меҳр олдик хоҳ эриктик,
Ул ой бори бизинг бирла эликтик.

17 Салмон

Чиқар савдойларнинг дуд янглиғ оҳи бошиға,
Агар келтурса сочини паришон зулфи қошиға.

18 Озод

Безор булди кунглум, озурда қилди чун ёр,
Безор булғай ондин озор топса ночор,

19 Толиб

Сяғмас эдим тунумға фараҳдин мен ҳазин,
Бемеҳр ёр қилса атоёе либосин.

20 Бобо

Қаддинг хаёликим берурам жон ҳавосида,
Бордур магар «алиф» киби «жон»им аросида.

21 Уммат

Телба кунгулни олдурубтурсиз,
Бениёзини то кўрубтурсиз.

22 Масте

Кўрмадин зор эдим ёр юзин мени ҳайрон,
Айлади бесарупо то юзини қилди аён.

23 Сориг

Эй ҳусн, сенинг барги гул андоминг,
Юз лолани хор этти ҳади гулфоминг.
Еткур бир аёқ бирла бошини кукка,
Гар орзуе қилса ғарибе жоминг.

24 Ҳаким

Не тонг гар осмонда қилса бозий,
Ул ойнинг отиким, булғай ҳижозий.

25 Сиёвуш

Кунгулни зуҳду тақвою вараъдин ёндурубтурмен,
Сени деб юз йиғочдин, эй париваш, келтурубтурмен.

26 Аллома

Чун сени ёқмас, ул ойнинг жавриға юз боғлама,
Ой юзини кўрмак истар булсанг, эй кўз, йиғлама.

27 Рафиъ

Чун бордур ушбу саргардон кунгулга телбалик зоти,
Таажжуб қилмангиз бошсиз эса ҳарфи ибороти.

28 Соъид

Тийғи жафони кимга десанг аҳли ҳолдур,
Бошига синдурур бути безътидолдур.

29 Одина

Жон бирла кунгулни ғамға ҳамхона дегил,
Чун телбарадур фурқани жонона дегил,
Ул сарвға, эй кунгул, бу афсона дегил.
Булсун қадамингда икки девона дегил.

30 Шайх

Пинҳон кунгулда ишқ эди ҳижрон балосида,
Ҷош ўлди можароси халойиқ аросида.

31 Ерий

Телба бўлдум, эл демао ҳолимни, эй золим, санга,
Е бери келсанг пайопай айтайин ҳолим санга.

32 Вали

Эй ғайр, ул ойнинг итлари ёнида муқбил,
Вақтеки овға борса, бу қулни ҳисоб қил.

33 Муҳаммад

Ул кунеким ҳабиб кўргаймен,
Менга юз минг шарафдур ул кунда,
Булса гар бомдод маҳбубе,
Дарди дил бартарафтур ул кунда.

34 Ихтиёр

Рақиб эвида ниҳон уйнар ул ҳабиб қимор,
Нетиб ўзумни онга ҳамдами қимор қилай.

Чу ихтифойи қимор ўлди ёр анда бузар,
Бу ишни элга не тил бирла ошкор қилай.

35 Қиё

Қуёшки, ёрни кўрган демас латиф они,
Анинг узори қошида дегил касиф они.

36 Ҳуррам

Ҳар ким кеча май ичиб сабоҳ ойилгай,
Махмурлиғида хушдин ойрилгай.
Майхонага еткунча чоғирсиз бўлмас,
Шояд орада хумор зўрий қилгай.

37 Нақиб

Кўруб ағёр ила кўзу кўнгулга бўлди дарду ғам,
Паришон бўлгали ўздин борибтур кўзу кўнглум ҳам.

38 Яроқ

Оҳу ашкимдин кўнгулким, бўлди дармонда кўрунг,
Ваҳки, бўлди бедил ушбу доду боронда кўрунг.

39 Меҳтар

Тилар фироқ ул ойдин мени ҳамиша йироқ,
Чу меҳр кўрсатур ул ой, недур муроди фироқ.

40 Байрам

Ҳаргиз манга ром бўлмас ул гулфомим,
Билким, танимас отим зиҳи бадномим.
Бу ғуссада мен ҳалок бўлдум охир,
Бўлгайму отимни тониб оё оромим?

41 Нодирий

Эрурмен турки ошиқ, кош билсам форсий қони,
Десам ҳолимни, билгай форсийдон дилбарим они.

42 Бобо

Босафо оразинг не дилкаштур,
Бениҳоят қочарларинг хуштур.

43 Аттор

Биҳишти нашъаға жон бирла иртибот тила,
Хумор дўзахи учун арақи сирот тила.

44 Қароча

Ул паришон зулфнингким кийнаси дийринадур,
Чун паришонроқдурур гуё нитожи кийнадур.

45 Соқий

Барий булди жонинг сенинг Бобуро,
Кўнгул қуши дилбаста жонинг била.
Кўнгул учмоғин истаса жидд қилиб,
Учар ёр қил мунис онинг била.

46 Камол

Кам курунса, не ажаб, ул гульзур,
Зулфиниким келтурубтур тор-тор.

47 Сўхроб

Май суйи хуррамдурур элтур хумор озорини,
Кўрса хуррам сўзниким, билгай хумори борини.

48 Нақий

Гар суратинг васфин не тонг дей ўлмаса бу беқарор.
Ё манқабат, ё не дегай, эй ёр, кўрсатгил узор.

49 Доро

Мен ишқида зору воқиф эрмас
Ҳолимдин ушал нигори Чиний,
Дардимни дедим, вале, не билгай,
То англамағунча форсийни.

50 Олим

Эй ёрки, ёрлиғдин ўлдунг ғофил,
Душман киби Бобурни кўрарсен ҳосил

Дебсен аламим қилса рафиқ этай бор,
Қилмиш аламинг рафиқ, бор айтғил.

51 Надим

Риндлар базмиға етти шайху куб қилди жафо,
Бода жоми синмади дарҳам булуб итти асо.

52 Хумон

Қошингга чинни солиб буйла ҳур ила ямон отлиғ,
Жаҳон эли чу ёмон дер кишини бу сифот учун,
Бу ҳайъатингни кўруб қилса ваҳм меҳр, еридур,
Бу номуродки, қўйди бошини яхши от учун.

53 Аёз

Эй ғайр, ҳазар қилғил, албатта рақобаттин,
Қилмас санга бу сарфа ол дағи бошингни, кет.
Бобур будалоедур бир ғамзада билгайсен,
. . . бу сўзни борин фикр эт.

ФАРДЛАР

1

Ҳолимни санга айтиб ҳажр^б ўтига ўртондим,
Эй ёр, ямон қилдим, ҳар неки дедим — ёндим.

2

Санбуса сенинг кўнглунг, гар, истаса андоқ бил,
Санбуса керак бўлса — сен бўса иноят қил.

3

Басе, фироқида ичсам чоғир йиғим келадур,
Манга чоғирни кетурмангки, аччиғим келадур.

4

Тутмагил, эй гул, равоким, ишқинг ичра бир ғариб,
Ерга бош қўйғай хазон яфроғи янглиғ сарғариб.

5

Зухд саҳросиға туштум ишқ йўлидин озиб,
Бобури гумроҳни эмди ким бу йўлга кўндурур?

6

Ул икки лаби рамзи дард аҳлиға қилмайдур,
Гул гунчасидур, гўё, бизларга очилмайдур.

7

Бор, арчи, боиси юз шуру юз гуноҳ чоғир,
Чоғир фироқи ҳалок этти мени, оҳ чоғир!

8

М а т л а ъ:

Фироқиндин ёвуштум ўлгали, эй ёр, келгайсен!
Висолингга, басе, муштоқмен, зинҳор келгайсан!

9

Ул пари рухсора ҳаргиз нотавонлиқ кўрмасун,
Яхшидур яхши киши, ҳаргиз ёмонлиқ кўрмасун!

10

Сендин айру, найлагаймен, айшу саҳбо хушлигин
Қи, сенинг учун тилармен барча дунё хушлигин.

11

Сенинг учун ватаним кўху дашт булғусидур,
Анинг учунки, вафосиз ғазол кўрунасен.

12

Борми экин ҳеч нима оламда ҳижрондин ямон,
Ҳар неким, ондин ямонроқдур, будур — ондин ямон!

13

Ер қадрин билмадим то ёрдин айрилмадим,
Ер қадри мунча ҳам душвор экандур билмадим.

14

Кўруб ҳижрон ғамин жононга еттим,
Агарчи ранж чектим — жонга еттим.

15

Мени ҳижронда кўйдурсанг кўнгул сендин совутмасмен,
Агарчи сен унутгунг мени, сени мен унутмасмен!

16

Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглумда ғам ҳар су
Оқар сувнинг фироқидин кузумдин ҳар дам оқар сув.

17

Жаҳон элию жаҳон борча, гар, адам булса,
Адам йўлини тутай зарра менда ғам булса.

Истарам етсам қуюндек гулғузорим қошиға,
Олида туфроғ бўлуб, эврулсам онинг бошиға!

Гарчи оламда висол айёми дилкашдур, ахий,
То билингай васл қадрн ҳажр ҳам хушдур, ахий.

М а т л а ь:

Меҳрбон соғинғоним номехрбон эрмиш, нетай?
Яхшилиғ кўз тутғоним асру ёмон эрмиш, нетай?

Неча ул ёр ёд этмай, мени агёр соғинғай,
Не кун бўлгай мени дилхастани ул ёр соғинғай.

Бу дунёдин фарах йуқтур мени маҳзунга жононсиз,
Жаҳондинким, десун, биллоҳ, керакмас манга жон
онсиз!

Фироқинг ўлтурур ахир мени дилхастани бешак,
Мени ўлтур висолингда — не маъни андак ўлтурмак!

Дўстлукни, гар, тиларсен, айласанг исбот қил,
Суҳбатингга асру кўп муштоқдурмен бот қил.

Хуш ул бурунки замонларки — ўттию борди,
Хуш ул кишики замонларни яхши ўткорди,

Мурод васлинг эрур — айла ёд Бобурни,
Унутмоғил яна бу номурод Бобурни!

Кўзумнинг нури сен кўнлум — хузури!
Танинг хуррамлиги, жоним — сурури!

Сабзаю гуллар била жаннат бўлур Қобул баҳор,
Хоса бу мавсумда Борон ёзийсию¹ Гулбаҳор².

Ғайрға неча ул ой вафо қилур,
Неча жонима менинг жафо қилур?

Қадди фироқи мени дуто қилур,
Қоши ҳажри қоматимни ё қилур.

Улфатим эл бирла оздур, кўпдур эл жаври манга,
Не менинг таврим ёқар элга, не эл таври манга.

Заҳри ҳижрон ичмишам ҳар бода тарёқи манга,
Май хумори бошта чўхтур, чоғир тут соқий манга.

Кўрмас жаҳонда ҳаргиз кўнглини шод Бобур,
Топмас муроди дилни, эй номурод Бобур.

¹ Борон ёзийси — Қобул яқинидаги дашт номи.

² Гулбаҳор — Қобул шимолидаги машҳур жой номи.

34

Боғ неча хўб эса қўйича йўқтур,
Сарвни мавзун деса бўйича йўқтур.

35

Ағёрға ўқ урубон, дардиға даво қиладур,
Бисёр ёмон борадур, ул ёр хато қиладур.

36

Бормоққа не маскан муяссар,
Турмоққа не давлат муқаррар.

37

Билинг мунн давлат, гар ўлса муяссар
Раҳиқи мураввақ, рафиқи суханвар.

38

Шайху мулло Шихобу Хондамир,
Келинг уч-уч, ики-ики, бир-бир.

39

Ишқни ҳар кимки қидур ихтиёр,
Мен киби оламда бўлур хор зор.

40

Жамолингдин қуёш асру бот утотлир
Сочингға банда боғ ичра сунбул отлиғ.

41

Ваҳму усраттин амоне топтуқ,
Янги жон, тоза жаҳоне топтуқ.

42

Кел эй рафиқи гулруй, кетур раҳиқи гулранг,
Ўзунг ичиб манга қуй, кўтар наво тузуб чанг.

43

Бир фикру бир ҳаводадур ҳар нафас кунгул,
Ҳар лаҳза юз ҳаводадур, булҳавас кунгул.

44

Бизга чун меҳринг йўқ, элга меҳрибонлиғ қилмағил,
Яхшилиғ чун қилмадинг, бари ёмонлиғ қилмағил.

45

Ераб, хавос жамъида Бобурни хос қил,
Ёхуд авом зумрасидин халос қил.

46

Яшурди отини ғайр иттифоқи бирла ул ҳамдам.
Дедим отини элга, фош қилдим иттифоқин ҳам.

47

Гушае тутсам жаҳоннинг аҳлидин, ғам кўрмасам,
Истарам эл кўрмаса меню мен ҳам кўрмасам.

48

Ишқ юки айлади сипеҳри аълони хам,
Не ажаб ар айласа меннингча шайдони ҳам.

49

Рақиб йулдошу мен ҳажрдин дуто улдум,
Ғариб турки ситамгарға мубтало улдум.

50

Сафар азмини қилдинг мен бора олмай туруб қолдим,
Назар қатъини қилдинг мендину мен телмуруб қолдим.

51

Ғар кўзумдин туштум, эрса, кўрдум ани бодадин,
Булди тақсир, эмди сен ўткар мени афтодадин.

52

Бошим қадам қилибон висолинга етайин,
Муяссар ўлмаса васл бош олибон кетайин.

53

Қадин кўз жўйборига кўнгул беҳост келтурса,
Аёғидин кўтармай бошни тенгри рост келтурса.

54

Ҳаж йўлига кир, кўнгул, химмат билла,
Бер қаз, оқ ар ўлса юз минг қофила.

55

Ғам юзини кўрма булсанг журъаю жоме билла,
Шукр қил, май нуш қилсанг гар гуландоме билла.

56

Мени эътиқодсиз деб бори эл ичра ёд этма,
Худо учун бори элни ўзунгдек эътиқод этма.

57

Баҳор мавсуми ўттию хуш ҳаво ўтти,
Тағофул айлама соқийки, ўтти, ҳо ўтти

58

Ичиб чоғирни ишим телбаликка ёвушти,
Неча таҳаммул этайким, ичимга ўт тушти.

59

Чаманда сарвни ўлтурғузубтурур туруши,
Қиёмате қўпарубтур от узра ўлтуруши.

60

Не малак андоқ эрур, не эрур онча киши,
Қамар анинг муқирри, қуёш анинг қаёши.

61

Бўлди ҳажринг дузахининг бартараф бўлмоғ чоғи
Ки, висолингнинг далилидур кўзумнинг учмоғи.

62

Ҳар кимки, бўюнни қўймаса, они тийгай,
Чопқай, талоғай, мутиё мунқод этгай.

63

Қадинг жаннат риёзининг ниҳоли,
Эрам гулзори хадингнинг мисоли.

64

Ҳажр шоми сочи савдоси чекар ҳарён мени,
Ваҳки, бу поёни йўқ тун қилди саргардон мени.

65

Кўпу озға тенгридур бергучи
Бу даргоҳда йўқтур кишининг кучи.

МУНДАРИЖА

Бобур шеърляти (А. Абдуғафуров)	3
Ғазаллар	15
Маснуъ	68
Рубойлар	69
Туюқлар	103
Қитъалар	107
Маснавийлар	110
Муаммолар	129
Фардлар	136

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД БАБУР

ДИВАН

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти илмий Кенгаши томонидан нашрга тасдиқланган.

Муҳаррир М. Содиқова
Бадий муҳаррир Р. И. Кривошей
Мусаввир Б. А. Хайбуллин
Техмуҳаррир Р. К. Лушников
Мусаҳҳиҳ М. Саидова

ИБ № 6225

Теринга берилди 1.12.92. Босишга руҳсат этилди 01.02.93.
Босмахона қоғози. Қоғоз бичими 70×90^{1/32}. Адабий гарнитура.
Юқори босма. Ҳисоб-нашриёт т. 5,0. Шартли босма т. 5,26.
50.000 нусха. Келишилган нархда.

ЎзР «Фан» нашриёти: 700047, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзР «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад.
Ҳ. Абдуллаев шоҳ кўчаси, 79.

